

ISSN 218-8088

# XALQ TA'LIMI AXBOROTNOMASI

---

"XALQ TA'LIMI AXBOROTNOMASI" JURNALI

---

**Muassis:**

"Xalq ta'limi" jurnali tahririyati DUK

**PUBLIC EDUCATION BULLETIN**

"PUBLIC EDUCATION BULLETIN" JOURNAL

**2017**











**3-son**  
(may-iyun)

Jurnal 2015-yildan chiqa boshlagan

(O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligining 2014-yil 17-maydagi  
137-sonli buyrug'i bilan tashkil etilgan)

TOSHKENT

	Kirish .....	4
	Umumiy o'rta ta'lim muassasalarida o'quvchilarning bosqichli va yakuniy nazorat imtihonlarini tashkil etish va o'tkazish to'g'risidagi <b>2017-yil 10-mart 78-sonli buyrug'i</b> .....	5
	"O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi PF-4947-sonli farmoni ijrosini ta'minlash haqida"gi buyruqning 3-ilovasiga o'zgartirish kiritish to'g'risida <b>2017-yil 10-mart 79-sonli buyrug'i</b> .....	18
	Kam komplektli maktab o'qituvchilari malakasini oshirish jarayonini takomillashtirish to'g'risida <b>2017-yil 13-mart 82-sonli buyrug'i</b> .....	20
	Huquqbuzarliklar profilaktikasi va jinoyatchilikka qarshi kurashish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida <b>2017-yil 17-mart 87-sonli buyrug'i</b> .....	29
	O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 15-martdagi "umumiy o'rta ta'lim to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi 140-sonli qarori ijrosini ta'minlash haqida <b>2017-yil 17-mart 88-sonli buyrug'i</b> .....	38
	2017-yilning yoz mavsumida bolalarni dam oldirish va sog'lomlashtirishga tayyorgarlik ko'rish, mavsumni yuqori saviyada o'tkazish to'g'risida <b>2017-yil 27-mart 91-sonli buyrug'i</b> .....	41
	O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasining asosiy mazmuni va mohiyatini xalq ta'limi xodimlariga yetkazish choralari to'g'risida <b>2017-yil 3-mart 95-sonli buyrug'i</b> .....	45
	"Umumiy o'rta ta'lim muassasalarida o'quvchilarning bosqichli va yakuniy nazorat imtihonlarini tashkil etish va o'tkazish to'g'risida"gi buyruqga o'zgartirishlar kiritish haqida <b>2017-yil 30-mart 97-sonli buyrug'i</b> .....	47
	"Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limining davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 6-apreldagi 187-sonli qarori ijrosini ta'minlash haqida <b>2017-yil 10-aprel 114-sonli buyrug'i</b> .....	52
	Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limining davlat ta'lim standartlari talablari asosida o'quv dasturlarini takomillashtirishni tashkil etish to'g'risida <b>2017-yil 15-aprel 123 qb-sonli qo'shma buyrug'i</b> .....	55
	O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligining bolalar sog'lomlashtirish oromgohlari to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida qarori .....	58

	O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, O'zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi, O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi, O'zbekiston Respublikasi Jismoniy tarbiya va sport davlat qo'mitasining Umumta'lim maktablarini darsliklar va o'quv-metodik qo'llanmalar bilan ta'minlash tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqidagi qarori .....	74
	Umumiy o'rta ta'lim maktablari o'quvchilari o'rtasida "jaholatga qarshi ma'rifat" mavzusida ijodiy ishlar tanlovini o'tkazish to'g'risida <b>2017-yil 5-aprel 105-sonli buyrug'i</b> .....	77
	O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 27-apreldagi 246-sonli qarori ijrosini ta'minlash to'g'risida <b>2017-yil 1-may 140-sonli buyrug'i</b> .....	80
	2016-yilda umumta'lim maktablari uchun rejalashtirilgan jihozlarning yetkazib berilishi va o'rnatilishini o'rganish to'g'risida <b>2017-yil 3-may 142-sonli buyrug'i</b> .....	82
	Xalq ta'limi tizimida yuridik xizmatlar faoliyatini tubdan takomillashtirish to'g'risida <b>2017-yil 3-may 145-sonli buyrug'i</b> .....	84
	Bo'sh ish joylari (vakant lavozimlar) mavjudligi to'g'risida va mo'ljallanayotgan xodimlar ishdan ozod etilishi to'g'risidagi ma'lumotlarni elektron shaklda taqdim etish to'g'risida <b>2017-yil 4-may 148-sonli buyrug'i</b> .....	91
	O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 5-maydagi "2017/2018 o'quv yilida O'zbekiston Respublikasining Oliy ta'lim muassasalariga o'qishga qabul qilish to'g'risida"gi PQ-2955-sonli qarori ijrosini ta'minlash to'g'risida <b>2017-yil 6-may 51-sonli buyrug'i</b> .....	93
	O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 10-maydagi 264-son qarori ijrosini ta'minlash to'g'risida <b>2017-yil 13-may 155-sonli buyrug'i</b> .....	97
	Mehribonlik uylari tarbiyalanuvchilarining yozgi dam olishlarini tashkil etish to'g'risida <b>2017-yil 13-may 157-sonli buyrug'i</b> .....	99
	Umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun 2017–2018 o'quv yiliga mo'ljallangan tayanch o'quv rejani tasdiqlash to'g'risida <b>2017-yil 16-may 165-sonli buyrug'i</b> .....	102

## KIRISH

Mamlakatimizda yoshlarni har tomonlama yetuk insonlar etib voyaga yetkazish, ularni ona-Vatanga sadoqat, milliy va umumbashariy qadriyat-larga hurmat ruhida tarbiyalash ustuvor vazifa sanaladi. Bu vazifani ro'yob-ga chiqarishda yurtimizning so'lim go'shalarida joylashgan yozgi statsio-nar sog'lomlashtirish va ta'lim muassasalarida tashkil etiladigan kunduzgi oromgohlarning ham munosib o'rni bor. Shu bois, yoz mavsumi boshlan-gach, bolalarni yozgi dam oldirish va sog'lomlashtirish dolzarb ahamiyat kasb etadi.

Hozirda barcha hududlarda bolajonlarning yozgi ta'til vaqtida qiziqarli va maroqli dam olishini tashkil etish bo'yicha keng ko'lamli chora-tadbir-lar amalga oshirilmoqda. Xususan, Xalq ta'limi vazirining "2017-yilning yoz mavsumida bolalarni dam oldirish va sog'lomlashtirishga tayyorgarlik ko'rish, mavsumni yuqori saviyada o'tkazish to'g'risida"gi buyrug'i xuddi shu maqsadga qaratilgan.

Buyruq asosida tuzilgan vazirlik ishchi guruhi bolalarning dam olishi-ni tashkil etish va sog'lomlashtirish chora-tadbirlarini ishlab chiqish, ularni amalga oshirish yuzasidan tizimli nazorat va monitoringni amalga oshira-di. Shuningdek, oromgohtar faoliyatini tashkil etish bo'yicha uslubiy qo'l-lanmalar chop etiladi, tarbiyachi, yetakchi va to'garak rahbarlarining eng munosiblari tanlanadi, ko'chma kutubxonalar tashkil etilib, ular O'zbekiston Respublikasi Prezidenti asarlari, badiiy adabiyotlar, gazeta va jurnallar bilan ta'minlanadi.

Oromgohlarda o'tkaziladigan va olib boriladigan har bir tadbir bolalar-ning dunyoqarashini boyitishi, ijodiy qobiliyatini shakllantirishi, ularning har tomonlama ma'naviy kamol topishiga yordam berishi kerak. Shu nuqtayi nazardan, yozgi sog'lomlashtirish va kunduzgi oromgohlardagi "Ma'naviyat va ma'rifat xonalari" zarur jihozlar bilan ta'minlanib, milliy istiqlol ruhini aks ettiruvchi turli mavzulardagi plakattlar, bannerlar, ta'lim-tarbiyaviy yo'nalish-dagi shiorlar, ko'rgazmali vositalar bilan bezatiladi.

Albatta, har bir ta'lim-tarbiya jarayonini amalga oshirishda malaka-li mutaxassislariga ehtiyoj tug'iladi. Buyruqda bu masalaga ham alohida e'tibor qaratilib, Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, "Kamolot" YIH bilan hamkorlikda ish olib borish belgilangan. Shuningdek, A.Avloniy nomidagi XTXQTMOMIga oromgohlarda faoliyat yuritadigan pedagog xodimlar ma-lakasini oshirish bo'yicha o'quv rejalarni ishlab chiqish, pedagog xodimlarni hududiy XTXQTMOllarida o'qitish vazifasi topshirilgan.

Muxtasar aytganda, yurtimizdagi barcha oromgohlarda farzandlarimiz-ning maroqli hordiq chiqarish va jismoniy chiniqishi bilan birga, bilimlarini yanada boyitishlari uchun barcha qulaylik va shart-sharoitlar yaratilmoqda. Zero, bu ruhda tarbiya topgan farzandlarimiz mamlakat qudratini yanada yuksaltirishga hamda biz orzu qilgan porloq kelajakni qurishga qodir bo'ladi.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 10 март

78-сонли

**Б У Й Р У Қ И**

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ  
БОСҚИЧЛИ ВА ЯКУНИЙ НАЗОРАТ ИМТИХОНЛАРИНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисидаги қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги 203-сонли қарорига мувофиқ, умумий ўрта таълим муассасалари, айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари, имконияти чекланган болалар учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари ўқувчиларининг босқичли ва якуний назорат имтихонларини ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Умумий ўрта таълим муассасалари, айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари, имконияти чекланган болалар учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида (кейинги ўринларда умумтаълим муассасалари деб юритилади) ўқув машғулотлари 2017 йил 25 майда тугалланиши белгилаб қўйилсин.

2. Умумтаълим муассасалари ўқувчиларининг билими, кўникма ва малакаларини синовдан ўтказиш учун 4-, 8-синфлар учун оғзаки, ёзма имтихон ёки тест синовлари шаклида босқичли назорат, 9-синфлар учун эса давлат аттестацияси шаклида якуний назорат имтихонлари ташкил этилсин.

3. Умумтаълим муассасалари 9-синф ўқувчиларининг якуний назорат имтихонлари 2017 йил 26 майдан 16 июнгача амалга оширилсин, зарурат бўлганда имтихонларни яқшанба куни ҳам ўтказиш назарда тутилсин (“Жисмоний тарбия” фани бундан мустасно).

4. Белгилаб қўйилсинки, айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларининг 5-, 8-синфларида ихтисослаштирилган ўқув фанидан қўшимча имтиҳон топшириш учун имтиҳонлар муддати 3 кунга узайтирилиши мумкин.

5. Умумтаълим муассасалари 9-синф ўқувчиларининг якуний назорат имтиҳонлари халқ таълими вазирининг 2008 йил 4 мартдаги 56-сонли буйруғи билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисида низомга (рўйхат рақами 1778, 2008 йил 20 март) мувофиқ амалга оширилсин.

6. Умумтаълим муассасалари ўқувчиларининг босқичли назорат имтиҳонларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага, босқичли ва якуний назорат имтиҳонлари ўтказиладиган фанларнинг рўйхати ва имтиҳон ўтказиш шакллари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Умумтаълим муассасаларининг 9-синф ўқувчилари учун “Жисмоний тарбия” фанидан якуний назорат имтиҳонлари 2017 йил 2-8 май кунлари малакали тиббиёт ходимларининг назорати остида ўтказилсин (Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб, мактаб интернатлар ҳамда сколиоз билан касалланган болалар учун санаторий туридаги мактаб-интернатлар бундан мустасно).

8. Ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасалари, айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабларининг бирорта ихтисослик фани чуқурлаштириб ўтилаётган бўлса, ушбу фандан муассаса педагогик кенгашининг қарори асосида қўшимча имтиҳон киритилишига рухсат берилсин.

9. Кўзи ожиз, заиф кўрувчи ва таянч-ҳаракатланиш аппаратида нуқсонли бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларда босқичли назорат ҳамда якуний назорат имтиҳонлари умумтаълим мактабларига қўйилган талаблар асосида ўтказилсин (жисмоний тарбия фани бундан мустасно).

10. Кар, заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларнинг битирувчи 9-синфларида якуний назорат имтиҳонлари “Она тили ва адабиёт” фанидан баён ва “Математика” фанидан ёзма назорат иши шаклда амалга оширилсин.

11. Ақли заиф болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларда фақат “Меҳнат таълими” фани бўйича якуний назорат имтиҳонлари ўтказилсин ҳамда имтиҳонларни ўтказиш муддати мактабнинг педагогик кенгаши томонидан белгилансин.

12. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (М.Юлдашев), Таълим муассасаларида ўқув тарбия

жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси (М.Ваҳобов) назорати остида Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиқларига:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2008 йил 4 мартдаги 56-сонли буйруғи билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 1778, 2008 йил 20 март) мазмун-моҳиятини умумий ўрта таълим муассасаларида педагогик, ўқувчилар ҳамда ота-оналар жамоалари ўртасида атрофлича ўрганишни ташкил этиш;

босқичли ва якуний назорат имтиҳонларининг ўз муддатларида ўтказилишини назоратга олиш;

босқичли ва якуний назорат имтиҳонларининг натижалари, уларни ўтказиш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилиб, 2017 йилнинг 3 июлига қадар Республика таълим маркази (И. Зокиров)га тақдим этиш вазифалари топширилсин.

13. Республика таълим маркази (И. Зокиров)га:

таълим ўзбек, қорақалпоқ, рус, қozoқ, тожик, қирғиз, туркман тилларида олиб бориладиган умумтаълим муассасалари учун якуний назорат имтиҳонлари ўтказиладиган фанлар бўйича, шунингдек, кўзи ожиз, заиф кўрувчи, кар, заиф эшитувчи ҳамда ақли заиф болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларнинг битирувчи синф ўқувчилари учун якуний назорат имтиҳон материалларини тайёрлаш;

Таълим-тарбия жараёнига ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими (А. Хундибаев), “ZiyoNET” ресурс марказининг вазирликдаги бўлими (У.Тайлақов) билан ҳамкорликда якуний ва босқичли назорат имтиҳон материалларини вазирликнинг расмий веб-сайти ([uzedu.uz](http://uzedu.uz)) ва [ZiyoNET.uz](http://ZiyoNET.uz) ахборот таълим порталига 2017 йил 24 мартга қадар жойлаштириш;

ақли заиф болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлар битирувчи синфлари ўқувчилари учун “Меҳнат таълими” фанидан якуний назорат имтиҳонини ўтказиш учун тегишли тавсия ва мезонлар ишлаб чиқиш;

умумтаълим муассасаларида 2016-2017 ўқув йилини якунлаш, битирув синфларида якуний давлат аттестацияси натижалари умумлаштирилган таҳлилий маълумотни 2017 йил 1 августгача вазирликнинг Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (М.Юлдашев)га тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

14. “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари (А.Раҳимов) га 2017 йилнинг 31 мартга қадар мазкур буйруқни чоп этиш вазифаси топширилсин.

16. Мазкур буйруқ қабул қилиниши муносабати билан халқ таълими вазирининг 2016 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларнинг босқичли ва якуний назорат имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги 50-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б. Данияров зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**



*Халқ таълими вазирининг  
2017 йил 10 мартдаги  
78-сонли буйруғига  
1-илова*

## **Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг босқичли назорат имтиҳонларини ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сон “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг босқичли назорат имтиҳонларини ўтказиш тартибини белгилайди.

### **1- боб. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сон “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари доирасида ишлаб чиқилган ўқув режа бўйича муайян босқич учун белгиланган фанларни ўзлаштириб, босқичли назорат имтиҳонларини муваффақиятли топширган ўқувчилар кейинги (юқори) синфга ўтказилади.

2. Ўқувчиларнинг барча фанлардан йиллик баҳолари уларнинг чораклик баҳолари асосида ўқув машғулотлари тугашидан камида уч кун олдин чиқарилади.

3. Босқичли назорат имтиҳонлари умумий ўрта таълим муассасаларининг 4-8-синфларида ёзма ёки оғзаки имтиҳон ёхуд тест синовлари шаклида муайян фанларнинг амалдаги ўқув дастури асосида ўтказилади.

4. Умумтаълим дастурларини давлат таълим стандартлари доирасида ўзлаштирган ва барча ўқув фанларидан йил якуни бўйича ижобий баҳоланган ўқувчилар босқичли назорат имтиҳонига қўйилади.

Ўқув йили давомида ўқув машғулоти олиб борилган фанларнинг биттасидан “қониқарсиз” баҳоланган ўқувчилар мазкур фандан қўшимча топшириқларни бажариш шarti билан истисно тариқасида босқичли назорат имтиҳонига қўйилади.

5. Мазкур Низом талаблари халқ таълими тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларида шартнома асосида таҳсил олаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

### **2-боб. Босқичли назорат имтиҳонини ўтказиш тартиби**

6. Умумий ўрта таълим муассасаларида босқичли назорат имтиҳонлари 26 майдан 1 июнгача бўлган муддат оралиғида ўтказилади. “Жисмоний тарбия” фанидан босқичли назорат имтиҳонини 28-30 апрель кунлари оралиғида ўтказишга рухсат берилади.

7. Босқичли назорат имтиҳонлари ўтказиладиган фанларнинг рўйхати ва имтиҳон ўтказиш шакллари Халқ таълими вазирининг буйруғи билан тасдиқланади.

8. Умумий ўрта таълим муассасаси директори томонидан босқичли назорат имтиҳонларини ўтказиш жадвали тасдиқланиб, имтиҳонлар бошланишидан камида ўн кун олдин умумий ўрта таълим муассасасининг барча учун кўринадиган жойига осиб қўйилади.

Босқичли назорат имтиҳонларини ўтказиш жадвалида имтиҳон ўтказиладиган фанлар, имтиҳонларнинг вақти ва жойи, имтиҳонни ўтказувчи босқичли назорат комиссияси аъзолари тўғрисидаги маълумотлар қайд этилади.

Ўқув фанлари бўйича ўтказиладиган ҳар бир босқичли назорат имтиҳонининг оралиқ муддати икки кундан кам бўлмаслиги лозим.

9. Босқичли назорат имтиҳони ўтказиладиган ҳар бир фан бўйича умумий ўрта таълим муассасаси директорининг буйруғи билан уч кишидан иборат босқичли назорат комиссияси (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) қуйидаги таркибда тасдиқланади: комиссия раиси - умумий ўрта таълим муассасаси директори ёки унинг ўринбосари ёхуд ўқитувчиси;

имтиҳон олувчи - синфда мазкур фандан дарс берган ўқитувчи; ассистент - тегишли фан ёки турдош фан ўқитувчиси.

10. Босқичли назорат имтиҳонини ташкил этиш ва уни ўтказиш бўйича жавобгарлик мазкур фан бўйича тузилган комиссия раиси зиммасига юклатилади.

Босқичли назорат имтиҳони ўтказиладиган синфда дарс машғулотларини олиб борувчи ўқитувчи айнан шу фан бўйича комиссия раиси бўлиши тақиқланади.

Босқичли назорат имтиҳонларида умумий ўрта таълим муассасаси васийлик кенгаши аъзолари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (бундан буён матнда ота-оналар деб юритилади) кузатувчи сифатида қатнашишлари мумкин.

11. Умумий ўрта таълим муассасаси бўйича босқичли назорат имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш учун умумий ўрта таълим муассасаси директори масъул ҳисобланади.

12. Барча умумий ўрта таълим муассасаларида босқичли назорат имтиҳонлари эрталаб соат 8.00 да бошланади.

Босқичли назорат имтиҳони оғзаки шаклда ўтказилганда, битта синфдаги ўқувчилар сони 20 нафардан ортиқ бўлса, ўқувчилар икки гуруҳга тақсимланиши мумкин.

13. Ёзма ва оғзаки шаклдаги босқичли назорат имтиҳони жараёнида ўқувчиларга фойдаланиш учун умумий ўрта таълим муассасаси штампи қўйилган дафтар ёки варақлар берилади.

14. Босқичли назорат имтиҳони жараёнида ўқувчилар томонидан имтиҳонни муваффақиятли топширишга ёрдамчи воситалардан (харита, глобус, жадваллар, чизмалар, муляж, гербарий, препаратлар, лаборатория асбоб-ускуналари ва ҳоказо) фойдаланишга рухсат этилади.

15. Ёзма шаклдаги босқичли назорат имтиҳони жараёнида имтиҳон учун ажратилган вақт тамом бўлганидан сўнг, ўқувчиларнинг барча ёзма ишлари улар топшириқларни бажара олган ёки бажара олмаганликларидан қатъи назар йиғиб олинади.

16. Босқичли назорат имтиҳони тугаганидан сўнг ёзма ишлар комиссия раис томонидан рақамланади. Ёзма ишлар комиссия аъзолари томонидан умумий ўрта таълим муассасасидан чиқмаган ҳолда текширилади ва баҳоланади. Иш куни тугагунга қадар баҳоланмаган ёзма ишлар кейинги иш кунигача сақлаш учун умумий ўрта таълим муассасаси директорига ёки унинг ўринбосарларидан бирига топширилади.

17. “Она тили ва адабиёт” фанидан ёзилган баён учун ўқувчига куйидаги мезонлар бўйича иккита баҳо қўйилади:

она тилидан - саводхонлиги учун;

адабиётдан - мавзунинг мазмуни учун.

Ушбу баҳолар босқичли назорат имтиҳони баҳоси сифатида қўйилади ҳамда ушбу фанлардан якуний баҳо чиқаришда асос бўлади.

18. Ёзма ишларнинг баҳолари навбатдаги босқичли назорат имтиҳонига қадар, оғзаки шаклдаги имтиҳонларнинг баҳолари шу куннинг ўзида дарҳол эълон қилинади.

19. Ўқувчиларга “Она тили ва адабиёт” фанидан баён ёзиш ва математикадан ёзма иш учун 2 астрономик соат, тест синовлари топшириқлари берилиши назарда тутилган бўлса, уларни бажаришга ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича ҳар бир тест саволи учун 2 дақиқа, аниқ фанлар бўйича ҳар бир тест саволи учун 3 дақиқа вақт ажратилади.

Ўқувчиларга оғзаки шаклдаги босқичли назорат имтиҳонида олган топшириқлари бўйича тайёрланиш учун 15-20 дақиқа вақт берилади.

20. Комиссия аъзолари ўқувчининг жавобларини диққат билан бўлмасдан тинглайдилар. Ўқувчига билетда кўйилган топшириқлар доирасида кўшимча саволлар бўлиши мумкин.

Билет саволига жавоб бера олмаган ўқувчига босқичли назорат комиссияси томонидан иккинчи маротаба билет олишга рухсат берилади. Ўқувчи олган иккинчи билетга ҳам жавоб бера олмаса, унга босқичли назоратнинг баҳоси сифатида “қониқарсиз” баҳо кўйилади, учинчи маротаба билет олишга рухсат берилмайди.

21. Ўқувчи босқичли назорат имтиҳонини топшириш жараёнида белгиланган тартибни бузган тақдирда, у босқичли назорат имтиҳонини давом эттириш ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Ўқувчи босқичли назорат имтиҳонини давом эттириш ҳуқуқидан маҳрум қилинганда комиссия томонидан далолатнома тузилади ва бу ҳақида босқичли назорат баённомасига ёзиб кўйилади.

Умумий ўрта таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарори асосида унга босқичли назорат имтиҳони тугаган кундан кейин икки ҳафта ўтгач, мазкур фандан босқичли назорат имтиҳонини қайта топширишга рухсат берилиши мумкин.

22. Ҳар бир фан бўйича оғзаки ёки ёзма шаклдаги босқичли назорат имтиҳонлари ўтказилгач, комиссия аъзолари томонидан барча ўқувчиларга якуний баҳолар кўйилади. Бунда ўқувчининг йиллик ва босқичли назорат имтиҳони баҳосининг ўртачаси олиниб яхлитланади. Босқичли назорат имтиҳонида “қониқарсиз” баҳо олган ўқувчига “қониқарли” йиллик якуний баҳо кўйилмайди.

Ўқувчиларга кўйилган баҳолар комиссиянинг баённомасига киритилади ва баённома комиссия аъзолари томонидан имзоланади. Комиссиянинг баённомаси ассистент томонидан юритилади.

23. Ўқувчиларга ёзма ёки оғзаки шаклдаги босқичли назорат имтиҳони бўйича баҳо кўйиш масаласидаги баҳсли ҳолатлар комиссия аъзолари ўртасида овозга кўйиш асосида ҳал этилади.

Овозлар сони тенг бўлган ҳолларда комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Комиссия аъзоларининг алоҳида фикрлари комиссия баённомасига киритилади.

24. Тиббий муассасаларда даволанган ўқувчиларга йиллик якуний баҳо кўйиш ўқувчи даволанган даволаш-профилактика муассасаси раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган синф журналидан кўчирилган баҳолаш қайдномаси асосида амалга оширилади.

25. Босқичли назорат имтиҳонида олган баҳосига эътироз билдирган ўқувчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш учун халқ таъли-

ми муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларида апелляция комиссиялари тузилади.

Комиссия томонидан текширилган ёзма иш билан танишиш муддати ва тартиби апелляция комиссиясининг иш муддати ва тартиби, унинг таркиби ҳамда ваколатлари халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими томонидан буйруқ билан расмийлаштирилади ва ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, ўқитувчилар ва умумий ўрта таълим муассасалари директорлари эътиборига босқичли назорат имтиҳонлари бошланишидан камида икки ҳафта олдин етказилади.

26. Босқичли назорат имтиҳонида олган баҳосидан эътирози бўлган ўқувчилар босқичли назорат имтиҳони баҳолари эълон қилинган кундан эътиборан уч кун муддатда апелляция комиссиясига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

27. Чет элда таълим олган ўқувчиларни босқичли назорат имтиҳонига қўйиш масаласи халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари томонидан кўриб чиқилади.

28. Ўтказилган босқичли назорат имтиҳонларида бир ёки иккита фандан “қониқарсиз” баҳо олган ўқувчиларга охириги босқичли назорат имтиҳонидан кейин бир ҳафта ўтгач, “қониқарсиз” баҳо олган фанидан босқичли назорат имтиҳонини қайта топшириш ҳуқуқи берилади.

29. Йиллик баҳо ва босқичли назорат имтиҳони натижаларига кўра, уч ва ундан ортиқ фанлардан ҳамда босқичли назорат имтиҳонларини қайта топшириш даврида камида битта фандан “қониқарсиз” баҳо олган ўқувчилар шу синфда қайта ўқишга қолдирилади.

### **3-боб. Ўқувчиларни босқичли назорат имтиҳонидан озод этиш**

30. Фанларни ижобий ўзлаштираётган 4-8-синф ўқувчилари умумий ўрта таълим муассасаси директорининг буйруғи билан босқичли назорат имтиҳонидан куйидаги ҳолатларда озод этиладилар:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 26 январдаги 3-мх ва 22-сон қарори (рўйхат рақами 2656, 2015 йил 17 февраль) билан тасдиқланган Ўқувчиларга синфдан синфга кўчириш имтиҳонлари ва якуний давлат аттестациясидан озод бўлиш ҳуқуқини берувчи касалликлар рўйхатига асосан;

халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобақалари ҳамда бошқа кўрик-танловлардаги иштироки босқичли на-

зорат имтиҳонлари муддатларига тўғри келиб қолган тақдирда, шу кунлардаги босқичли назорат имтиҳонидан;

ўқув йили давомида фақат “аъло” баҳоларга ўқиган ва намунали хулқга эга бўлган ўқувчилар.

Босқичли назорат имтиҳонидан озод этилган ўқувчиларнинг яқуний баҳоси чораклик баҳоларининг ўртачаси асосида чиқарилади.

31. Йиллик ижобий баҳоларга эга бўлган ўқувчиларни соғлиги туфайли босқичли назорат имтиҳонидан озод этиш умумий ўрта таълим муассасаси жойлашган ҳудуддаги ёки яшаш жойидаги тиббиёт муассасаси тиббий-назорат комиссиясининг тиббий хулосаси асосида қабул қилинган умумий ўрта таълим муассасаси директорининг буйруғига мувофиқ амалга оширилади.

32. Ота-онасининг ўқиш, ишлаш, узоқ муддатли даволаниш ёки бошқа мақсадларда вақтинча яшаш учун хорижий давлатга кетаётганлиги сабабли ўқувчиларнинг яшаш жойи ўзгариши муносабати билан ушбу ҳолатни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида умумий ўрта таълим муассасаси директорининг буйруғи билан бундай ўқувчиларга босқичли назорат имтиҳонини муддатидан олдин топширишга рухсат берилади.

Босқичли назорат имтиҳонларини 1 апрель санасидан олдин топширишга рухсат берилмайди.

Муддатидан олдин босқичли назорат имтиҳони умумий ўрта таълим муассасаси директорининг буйруғи билан тасдиқланган босқичли назорат комиссияси ва босқичли назорат имтиҳонларини муддатидан олдин топшириш жадвали асосида ўтказилади.

33. Босқичли назорат имтиҳонлари даврида касал бўлган ва босқичли назорат имтиҳонлари жараёни тугашигача тузалиб келган ўқувчилар қолдирилган фанлардан имтиҳонларни умумий ўрта таълим муассасаси директорининг буйруғига кўра босқичли назорат имтиҳонлари тугаганидан сўнг икки ҳафта ўтгач ёки босқичли назорат имтиҳонини қайта топшириш даврида (август ойида) топширишлари мумкин.

#### **4-боб. Босқичли назорат имтиҳонини қайта топшириш ва кейинги синфга ўтказиш**

34. Ўқувчи ўзлаштира олмаган фан бўйича унга ёзги ўқув топшириқлари берилади.

Ёзги ўқув топшириқлари барча синфларда фанлар бўйича амалдаги ўқув дастури асосида ушбу фан ўқитувчиси томонидан тузилади ҳамда умумий ўрта таълим муассасаси директори томонидан тасдиқланади.

35. Ёзги ўқув топшириқларини олган ўқувчиларга амалий ёрдам бериш мақсадида яқка тарзда ёки гуруҳ машғулотлари ташкил этилади. Бундай машғулотлар жадвали умумий ўрта таълим муассасаси директори томонидан тасдиқланади. Бунда фан ўқитувчиларининг меҳнат таътилида бўлмаган вақтлари инobatга олинади ва ўқувчилар бу машғулотларга бепул жалб этилади.

36. Ёзги ўқув топшириқлари ҳамда босқичли назорат имтиҳонини қайта топшириш жадвали ўқувчилар ёзги таътилга чиқишларидан камида уч кун олдин синф раҳбари томонидан ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига ёзма равишда маълум қилинади.

37. Ёзги ўқув топшириқларини олган ўқувчиларга август ойида ўқув йили бошлангунга қадар босқичли назорат имтиҳони қайтадан ўтказилади. Босқичли назорат имтиҳонини қайтадан ўтказишда имтиҳон олинadиган фан ва имтиҳон топшириш шакли ўзгаришсиз қолдирилади.

Ўқувчи қайта топширган фандан ижобий баҳоланганда умумий ўрта таълим муассасаси педагогик кенгаши қарори билан кейинги синфга ўтказилади.

38. Ўқувчи босқичли назорат имтиҳонини қайта топшириш жараёнида ҳам “қониқарсиз” баҳо олган тақдирда, умумий ўрта таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарори билан синфда қайта ўқиш учун қолдирилади.

39. 1-синф ўқувчилари фақат психологик-педагогик комиссиянинг хулосаси асосида умумий ўрта таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарори билан синфда қолдирилиши мумкин, бошқа ҳолларда 1-синф ўқувчиларини синфда қолдиришга йўл қўйилмайди.

40. Ўқувчининг қайтадан ўқиш учун синфда қолдирилганлиги ҳақидаги умумий ўрта таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарори уч кун муддатда ўқувчига ва унинг ота-онасига ёзма равишда маълум қилинади.

### **5-боб. Якуний қоидалар**

41. Ўқувчиларнинг баҳолар табели синф раҳбари томонидан тўлдирилиб, у ва умумий ўрта таълим муассасаси директори томонидан имзоланади ҳамда умумий ўрта таълим муассасасининг муҳри босилади.

42. Ўқув дастуридаги барча фанлардан “аъло” баҳоларга ўқиган ва намунали хулққа эга бўлган ўқувчилар “Мақтов ёрлиғи” билан тақдирланади.

43. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Халқ таълими вазирининг  
2017 йил 10 мартдаги  
78-сонли буйруғига  
2-илова

### Босқичли ва якуний назорат имтиҳонлари ўтказиладиган фанларнинг рўйхати ва имтиҳон ўтказиш шакллари

<b>Босқичли назорат</b>	
Фаннинг номи	Имтиҳон ўтказиш шакли
<b>4-синф учун</b>	
Математика*	ёзма
Она тили	ёзма (диктант)
Жисмоний тарбия	назарий ва амалий
<b>5-синф</b>	
Математика*	ёзма
Ўзбек тили (рус тили)	оғзаки
Адабиёт	оғзаки
<b>6-синф</b>	
Чет тили*	оғзаки
Тарих	оғзаки
Ботаника	оғзаки
<b>7-синф</b>	
Она тили ва адабиёт*	ёзма (диктант)
Ўзбек тили (рус тили)	оғзаки
Физика	оғзаки
Информатика	ёзма
<b>8-синф</b>	
Чет тили*	оғзаки
География	оғзаки (харита билан ишлаш орқали)
Давлат ва ҳуқуқ асослари	оғзаки
Биология	оғзаки
<b>Якуний назорат</b>	
<b>9-синф учун</b>	
Она тили ва адабиёт**	ёзма (баён)



Математика**	ёзма
Физика*	оғзаки (лаборатория ишлари билан)
Тарих*	оғзаки (харита билан ишлаш орқали)
Кимё*	ёзма
Ўзбек тили* (таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган умумий ўрта таълим муассасаларида)	оғзаки
Чет тили*	оғзаки
Жисмоний тарбия**	назарий ва амалий

**Изоҳ:** босқичли назорат иккита ўқув фанидан ўтказилади.

“\*\*” мазкур фандан имтиҳон мажбурийдир, иккинчи фан эса, ўқувчиларнинг кўпчилик овози билан босқичли назорат ўтказилишидан бир ой олдин танланади. Бу ҳақда ҳар бир синф учун танланган ўқув фанидан босқичли назоратни ўтказиш ҳақида умумий ўрта таълим муассасаси педагогик кенгаши қарор қабул қилади.

“\*\*\*” мазкур фанлардан якуний назорат имтиҳонлари қуйидаги муддатларда ўтказилади: жисмоний тарбия – 2-8 май; она тили ва адабиёт — 26 май; математика – 30 май.

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XALQ TA'ЛИМИ  
VAZIRINING**

2017 йил 10 март

79-сонли

**Б У Й Р У Қ И**

“ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINI ЯНАДА  
РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ  
ТЎҒРИСИДА”ГИ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2017 ЙИЛ 7 ФЕВРАЛДАГИ  
ПФ-4947-СОНЛИ ФАРМОНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ  
ҲАҚИДА”ГИ БУЙРУҚНИНГ 3-ИЛОВАСИГА ЎЗГАРТИРИШ  
КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳамда Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича Комиссиянинг 2017 йил 28 февралдаги мажлис баёнига мувофиқ

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2017 йил 9 февралдаги 40-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони ижросини таъминлаш ҳақида”ги буйруғининг 3-илоvasи иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

2. Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси (М.Вахобов):

вазирликнинг тегишли бошқарма ва бўлимлари билан бирга Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминланиши юзасидан мониторинг олиб борилишини таъминласин;

мавжуд дарсликларни қайта нашр этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратсин.

3. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (М.Юлдашев):

ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини методик жиҳатдан таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мактабларда болаларни соғломлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда жойларда оғир шароитдаги мактаблар ўқувчиларини бошқа мактабларда ўқитиш ҳамда улар учун махсус транспорт ажратиш масалаларини ўрганиб чиқиш вазифалари юклатилсин.

4. Вазирликнинг тегишли бошқарма ва бўлимларига **уч кун муддатда** юқорида таъкидлаб ўтилган масалалар юзасидан Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича Комиссияга асослантирилган таклифлар киритиш вазифаси юклатилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари ва муассасалари, давлат педагогика ҳамда ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари раҳбарлари:

**уч кун муддатда** мазкур буйруқнинг ижросини ўрнатилган тартибда ижрога йўналтирсин;

Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ҳар ойнинг 20-санасидан кечиктирмай вазирликнинг Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармасига [a.nosirov@xtv.uz](mailto:a.nosirov@xtv.uz) электрон почтаси орқали маълумотлар тақдим этиб борсин.

Маҳаллий ҳокимлик билан биргаликда жойларда оғир шароитдаги мактаблар ўқувчиларини бошқа мактабларда ўқитиш ҳамда улар учун махсус транспорт ажратиш масалаларини ўрганиб чиқсин ва **бир ҳафта муддатда** вазирликка асосланган таклифлар киритсин.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров зиммасига юклатилсин.

Вазир

У. Иноятов

*Ушбу буйруқнинг тўлиқ матни билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг расмий веб-сайти [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz) ва [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) ахборот порталида танишишингиз мумкин.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 13 март

82-сонли

**Б У Й Р У Қ И****КАМ КОМПЛЕКТЛИ МАКТАБ ЎҚИТУВЧИЛАРИ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли ва 2014 йил 15 августдаги “Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 234-сонли қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда тизимдаги 503 та кам комплектли мактабларда фаолият олиб бораётган педагог ходимларнинг малакасини ошириш ишларини ўз муддатида ва сифатли ташкил этиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Халқ таълими тизимидаги кам комплектли мактаб ўқитувчилари малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Педагог кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими (К.Гафуров) ва А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти (Н.Рахманкулова)га:

кам комплектли мактаблар ўқитувчиларини ўз муддатида малака ошириш ишларини мувофиқлаштириш;

малака ошириш таълими муассасаларининг йиллик иш режалаарида кам комплектли мактаблар ўқитувчилари учун курслар киритилганлигини назоратга олиш вазифалари юклатилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари ректорларига:

кам комплектли мактаб ўқитувчилари малакасини оширишни белгиланган тартиб асосида самарали ташкил этиш;

кам комплектли мактаб ўқитувчиларининг малака ошириш курсларида ўқиши учун шахсий иш режасини тузишда услубий ёрдам кўрсатиш ва тасдиқлаш;

тингловчи томонидан шахсий режасига биноан малака ошириш курсининг ўқув модулларини ўзлаштириш кетма-кетлигини таъминлаш ҳамда малака ошириш курсида ўқиганлиги ҳақидаги сертификатни ўз муддатида бериш вазифалари топширилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

кам комплектли мактабларнинг малака оширишга бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва буюртмаларни белгиланган муддатларда малака ошириш таълими муассасаларига тақдим қилиш;

кам комплектли мактаблар ўқитувчиларининг малака ошириш курсларида иштирок этишлари учун тегишли шароитларни яратиш вазифалари топширилсин.

5. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (М.Юлдашев) кам комплектли мактаблар ўқитувчиларининг малакасини ошириш курсларини сифатли ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган ишларни тизимли олиб борилишини назоратга олсин.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг  
2017 йил 13 мартдаги  
82-сонли буйруғига  
Илова*

**Халқ таълими тизимидаги кам комплектли  
мактаб ўқитувчилари малакасини оширишни ташкил этиш  
тўғрисида низом**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сон “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ва 2014 йил 15 августдаги 234-сон “Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ халқ таълими тизимидаги кам комплектли мактаблар (кейинги ўринларда кам комплектли мактаб деб юритилади) ўқитувчилари малакасини оширишни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Кам комплектли мактаб – одатда икки, уч ёки тўртта синфлар ўқувчиларининг битта комплект-синфга бирлаштирилган, ўқувчилари кам сонли умумтаълим мактабидир. Комплект-синф билан битта ўқитувчи ишлайди.

3. Кам комплектли мактаблар ўқитувчилари ўрнатилган тартибга кўра 5 йилда камида бир маротаба малака оширишлари ва 144 соатдан кам бўлмаган ҳажмдаги ўқув материални ўзлаштиришлари лозим.

4. Кам комплектли мактабнинг икки ва ундан ортиқ фанлардан дарс берадиган ўқитувчилари (бошланғич синф ўқитувчиларидан ташқари) ўқитадиган ҳар бир фани бўйича малака оширишлари шарт. Мутахассислигига (олий маълумоти ҳақидаги дипломга) мос келмайдиган фандан дарс бераётган ўқитувчилар мазкур фандан дарс бериш ҳуқуқини берувчи қайта тайёрлов курсларида ўқиغانларидан сўнг тегишли малака ошириш курсларига юбориладилар.

5. Кам комплектли мактаб ўқитувчиларининг малакасини ошириш махсус тузиладиган шахсий режа асосида амалга оширилади. Малака оширишнинг шахсий режаси малака ошириш курсининг тасдиқланган ўқув режасига мувофиқ ўқув модулларининг номи,

дарс соатлари ҳажми, ўзлаштириш вақти ва шакллари қайд этилган расмий ҳужжат ҳисобланади.

## **2-боб. Кам комплектли мактаб ўқитувчиларининг малака ошириш бўйича шахсий режасини тузиш тартиби**

6. Малака оширишнинг шахсий режаси (кейинги ўринларда шахсий режа деб юритилади) малака ошириш курси тингловчиси томонидан халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти (кейинги ўринларда малака ошириш таълим муассасаси) мутахассислик кафедрасининг тажрибали ўқитувчиси билан ҳамкорликда мазкур низомнинг 1-илласига мувофиқ шаклда тузилади ва ўқув жараёнини ташкил этиш бўлими экспертизасидан сўнг кам комплектли мактаб директори ҳамда малака ошириш таълим муассасаси ўқув-методик ишлар бўйича проrektори томонидан тасдиқланади.

7. Шахсий режада ҳар бир ўқув модулининг номи, ушбу модулни ўзлаштириш шакллари ва муддатлари, шунингдек, модул бўйича якуний билимларнинг ҳисоботи ва аттестацияси шакллари кўрсатилади.

8. Шахсий режа тегишли малака ошириш курсининг тасдиқланган ўқув режасига тўлиқ мос келиши шарт.

9. Ўқув модуллари машғулотларини бевосита малака ошириш таълим муассасасида ўтказиш муддатлари белгиланаётганда кам комплектли мактаб ўқитувчисининг меҳнат таътили даври ва ўқувчиларнинг таътил кунлари инobatга олинади. Кам комплектли мактаб ўқитувчисини малака ошириш таълим муассасасида ўқиши унинг мактабдаги ўқув жараёнидан бўш вақтларида амалга оширилади.

10. Малака ошириш шаклини белгилашда малака оширишнинг амалдаги барча шаклларида, шу жумладан, тегишли имкониятлар ва мос дастурлар мавжуд бўлган шарoитларда малака оширишнинг масофадан ўқитиш шаклидан фойдаланиш мумкин. Аммо мутахассислик фанлари блоки таркибига кирувчи ўқув модулларини ўзлаштиришнинг малака ошириш таълим муассасасида амалга оширилиши тавсия этилади.

11. Шахсий режанинг экспертизаси унинг тегишли курс ўқув режасига тўлиқ мос келишини таъминлаш мақсадида ўтказилади.

12. Тасдиқланган шахсий режа кам комплектли мактаб ўқитувчисининг малака оширишини ташкил этиш учун расмий ҳужжат ҳисобланади ва тегишли малака ошириш таълим муассасасининг расмий ҳужжатлари қаторида сақланади. Малака оширишнинг тасдиқланган шахсий режаси нусхаси кам комплектли мактаб маъ-

мурияти ва халқ таълими ҳудудий бошқарув органларига тақдим этилади.

13. Ўқитувчиларнинг шахсий режа асосидаги малака оширишлари давомийлиги малака ошириш муассасаларида тегишли курсларнинг ва машғулотларнинг мавжудлигига қараб белгиланади ва у бир ўқув йилидан ортиқ бўлиши мумкин.

### **3-боб. Кам комплектли мактаб ўқитувчиларининг малакасини оширишни ташкил этиш**

14. Кам комплектли мактабнинг маъмурияти ҳар бир ўқитувчининг бандлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг малакасини ошириш бўйича истиқбол режани тасдиқлайди.

15. Истиқбол режага биноан кам комплектли мактаб директорининг сўровига кўра халқ таълими ҳудудий бошқарув органлари тегишли малака ошириш таълим муассасасига ўқитувчининг малакасини ошириш бўйича буюртма билан мувожаат қилади.

16. Малака ошириш таълим муассасаси раҳбарияти малака ошириш курсларини режалаштирганда ушбу буюртмани ҳисобга олади ва ўқитувчини малака ошириш шахсий режасини тузиш ҳамда тасдиқлаш учун расман таклиф қилади.

17. Шахсий режа тасдиқлангандан сўнг тегишли малака ошириш таълим муассасаси ректори томонидан ўқитувчини малака ошириш курсига тингловчи сифатида қабул қилиш ҳақида буйруқ чиқарилади.

18. Курсда ўқиш жараёнида ўқитувчи малака ошириш курси тингловчилари учун кўзда тутилган барча ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради.

19. Тингловчи томонидан шахсий режа асосида ўқув модулларини ўзлаштирилиши кетма-кетлигини мувофиқлаштириш учун малака ошириш таълим муассасаси раҳбарияти мутахассислик кафедралари ўқитувчилари сафидан тингловчи, кам комплектли мактаб маъмурияти ва малака ошириш таълим муассасасининг ҳамкорликдаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи масъулни тайинлайди.

20. Кам комплектли мактаб ўқитувчиси шахсий режага мувофиқ таълим олади, курснинг ўқув режасида кўзда тутилган барча турдаги топшириқларни ҳамда назорат ва ҳисоботларни топширади.

21. Ўқитувчининг ҳар бир модулни ўқиши ва тегишли ўқув материални ўзлаштиришининг баҳоланиши шахсий режада белгиланади.

22. Шахсий режа асосида шуғулланадиган тингловчиларнинг ўқишлари алоҳида гуруҳларда (тингловчилар сони 25 тани таш-



кил этганда) ёки уларни шахсий режасида кўзда тутилган модул-ни ўқиётган (анъанавий тарзда малака ошираётган) гуруҳларга вақтинча бириктириш йўли билан ташкил этилиши мумкин.

23. Ўқиш муддати тўлиқ якунланганидан сўнг тингловчи мазкур низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда малака ошириш шахсий режасини бажариш варақасини малака ошириш таълим муассасаси ўқув жараёнини ташкил этиш бўлимига топширади.

24. Шахсий режа бўйича малака ошириш курсининг ўқув дастурини тўлиқ ўзлаштирган ва якуний аттестациядан муваффақиятли ўтган тингловчига давлат намунасидаги сертификат берилади.

25. Шахсий режасини белгиланган муддатларда бажармаган, шунингдек, курснинг ўқув режасидаги назорат турларини топшира олмаган тингловчига тегишли курсларда иштирок этгани ҳақида маълумотнома берилади.

#### **4-боб. Кам комплектли мактаб ўқитувчиларининг малакасини ошириш бўйича томонларнинг фаолияти**

26. Кам комплектли мактаб ўқитувчиси (тингловчи):

малака ошириш таълим муассасасида ташкил этиладиган курсларнинг ўқув дастурлари билан танишади;

педагогларнинг тумандаги, шаҳардаги ва ҳудуддаги очиқ услубий тадбирлари рўйхатини ўрганади;

мактаб маъмурияти ҳамда малака ошириш таълим муассасасининг тавсиялари асосидаги шахсий режани шакллантиради;

шахсий режанинг бажарилишига масъулиятни ўз зиммасига олади ва мактаб маъмурияти ҳамда малака ошириш таълим муассасасига ўқув модулларини ўзлаштиргани ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этади.

27. Кам комплектли мактаб маъмурияти ва халқ таълими ҳудудий бошқарув органлари:

малака ошириш таълим муассасасида ташкил этиладиган малака ошириш курслари рўйхатини ўқитувчига тақдим этади;

туман(шаҳар)даги ва ҳудуддаги очиқ услубий тадбирлари рўйхатини ўқитувчига етказилишини таъминлайди;

ўқитувчининг таълим бериш фаолиятида дуч келаётган таълимий эҳтиёжларини ва муаммоларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиладиган курслар ҳамда очиқ услубий тадбирларни танлашига тавсиялар беради;

ўқитувчининг малака ошириш шахсий режасини мувофиқлаштиради ва бажарилишини назорат қилади;

ўқитувчининг тасдиқланган шахсий режаси асосида малака ошириши учун зарур шароитларни яратади.

28. Малака ошириш таълим муассасаси:  
режалаштирилган ва ўтказилаётган малака ошириш курслари ҳақидаги ахборотларни кам комплектли мактаб маъмуриятига етказилади;

ўқитувчига шахсий режани тузишда маслаҳатлар ташкил этади ва шахсий режани тасдиқлайди;

тингловчининг шахсий режасига биноан малака ошириш курсининг ўқув модулларини ўзлаштириши кетма-кетлигини мувофиқлаштиради;

ўқитувчига малака ошириш курсида ўқиганлиги ҳақидаги ҳужжатни беради.

### **5-боб. Яқуний хулосалар**

29. Кам комплектли мактаблар ўқитувчиларини малака ошириш курсларига юбориш ва хизмат сафари харажатларини қоплаш ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

30. Кам комплектли мактаб ўқитувчисининг малака оширгани ҳақидаги сертификатда қайд этилган сана мазкур ўқитувчи учун малака ошириш даврийлигининг бошланиши ҳисобланади.

*Халқ таълими тизимидаги кам комплектли мактаб ўқитувчилари малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисида низомга  
1-илова*

малака ошириш таълим муассасаси номи

**КЕЛИШИЛГАН**

\_\_\_\_\_ сонли мактаб директори

(имзо, Фамилия И.Ш.)

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

М.Ў.

**ТАСДИҚЛАЙМАН**

Ўқув-методик ишлар бўйича  
проректор

(имзо, Фамилия И.Ш.)

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

М.Ў.

**Ўқитувчининг \_\_\_\_\_ дан \_\_\_\_\_ гача даврда  
малака ошириш шахсий режаси**

Ўқитувчининг Ф.И.Ш.:	
Малака ошириш дастури:	
Дастур ҳажми:	

т.р	Ўқув модули, мавзунинг номи	Ўқув режаси бўйича соатлар ҳажми	МО жойи (модул ўзлаштириладиган жой номи)	Ўзлаштириш	
				шакли	муддати
	Яқуний аттестация шакли				

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

\_\_\_\_\_ (тингловчининг имзоси)

*Халқ таълими тизимидаги кам комплектли мактаб ўқитувчилари малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисида низомга  
2-илова*

малака ошириш таълим муассасаси номи

**МАЛАКА ОШИРИШ ШАХСИЙ РЕЖАСИНИ БАЖАРИШ  
БАРАҚАСИ**

(тингловчининг Ф.И.Ш.)

Т.р.	Ўқув модули, мавзунинг номи	Соатлар ҳажми	Ўқиш даври	Назорат шакли	Баҳо	Ўқитувчининг Ф.И.Ш.	Имзо

Модуллар бўйича жами \_\_\_\_\_ соат ҳажмдаги ўқиш ҳисобга олинди

Малака ошириш таълим муассасаси ўқув жараёнини ташкил  
этиш бўлими бошлиғи

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ й. \_\_\_\_\_  
(имзо И.Ф.Ш.)

М.Ў.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

2017 йил 17 март

87-сонли

### Б У Й Р У Қ И

#### ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Халқ таълими тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида

### БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тўғрисидаги Низом;

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг таркиби;

Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисидаги Низом;

Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссиясининг таркиби;

Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тўғрисидаги Низом;

Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг таркиби;

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича 2017-2018 йилларга мўлжалланган дастур тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

3. Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби 1-иловага,

Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича 2017-2018 йилларга мўлжалланган дастурда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан Халқ таълими вазирлигининг чора-тадбирлар режаси (бундан буён матнда чора-тадбирлар режаси деб юритилади) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашга:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон қарори билан тасдиқланган низомлар асосида тизимда хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишга оид ишларни мувофиқлаштириш;

чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш;

хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича жойларга услубий ёрдам кўрсатиш вазифалари юклатилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, давлат педагогика институтлари ҳамда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институт (марказ)лари, вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари ва муассасалари раҳбарлари чора-тадбирлар режасининг ижросини тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш чораларини кўрсинлар.

6. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

Халқ таълими вазирининг  
2017 йил 17 мартдаги  
87-сонли буйруғига  
1-илова

**Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари  
бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби**

1.	Д.Кенжаев	–	Халқ таълими вазири ўринбосари, кенгаш раиси
2.	Ж.Камолов	–	Маънавий-ахлоқий тарбия бўлими бошлиғи, котиб
3.	С.Миразимов	–	Бош юрисконсулт, аъзо
4.	М.Юлдашев	–	Таълим муассасалари фаолияти- ни ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи, аъзо
5.	М.Ваҳобов	–	Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи, аъзо
6.	Б.Шамсиев	–	Кадрлар бошқармаси бошлиғи, аъзо
7.	Х.Даминов	–	Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи, аъзо
8.	Лавозими бўйича	–	“Баркамол авлод” болалар марказла- ри фаолиятини ташкил этиш шўъбаси бошлиғи, аъзо
9.	Б.Шайвалиев	–	Ахборот хизмати бошлиғи, аъзо
10.	Лавозими бўйича	–	Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вило- ятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари

**Изоҳ:** Кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг ла-  
возимига янги тайинланган ёки вазифаси юклатилган шахслар  
Кенгаш таркибига киритилади.

Халқ таълими вазирлигининг  
2017 йил 17 мартдаги  
87-сонли буйруғига  
2-илова

Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича 2017-2018 йилларга  
мўлжалланган дастурда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан  
Халқ таълими вазирлигининг чора-тадбирлар режаси

№	Белгиланган тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Белгиланган ижрочилар	ХТВдан масъуллар
<b>I. Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг ташкилий-хуқуқий механизmlарини такомиллаштириш</b>					
1.	(3) "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Қонун лойиҳасини тайёрлашда иштирок этиш	2017 йил апрель	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Молия вазирлиги, МТТРК, тегишли вазирлик ва идоралар	М.Ваҳобов, А.Хундибаев, Х.Даминов, Б.Шайвалиев
2.	(4) Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларга уларнинг таълим олиш ҳуқуқларини лозим даражада таъминлашлари ҳамда улар томонидан хуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш борасидаги масъулиятларини янада ошириш.	Қонун лойиҳасини тайёрлашда иштирок этиш	2017 йил сентябрь	Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, <b>Халқ таълими вазирлиги</b>	М.Юлдашев, Х.Даминов, С.Миразимов



II. Хуқуқбузарликларнинг олдиди олиш, содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш самарадорлигини ошириш	
<p>(15) Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази тизимидаги таълим муассасалари ўқувчиларининг давомати ва ўзлаштиришини ўрганиш бўйича ички ишлар, таълимни давлат томонидан бошқариш, бошқа идора ва ташкилотлар вакиллари таркибида доимий фаолият олиб борувчи ишчи гуруҳларни ташкил қилиш ва уларга қуйидаги вазифаларни юклаш: ўқувчилар томонидан дарс машғулотлари қолдирилишининг ҳақиқий сабабларини таҳлил қилиш; тахлилий материаллар ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш.</p>	<p>М.Юлдашев,                  С.Сейткамолов,                  Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) ХТМФМТТЭ бўлимлари</p> <p>Ички ишлар вазирлиги,                  Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар, вилоятлар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари</p> <p>2017 йил апрель</p> <p>Идоравий ҳужжатлар тайёрлаш</p> <p>Методик тавсиялар ва йўриқнома-лар ишлаб чиқишда иш-тироқ этиш ва уларни таълим муассасаларига етказиш</p>
<p>3.</p>	<p>Х.Даминов,                  Республикаси таълим маркази (И.Зокиров)</p>
<p>(16) “Хуқуқбузарликлар профилактикаси туғрисида”ги Қонунда белгиланган профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича йўриқнома, қўлланма ва методик тавсияларни тизимли тайёрлаш ва тарқатиш.</p>	<p>Ички ишлар вазирлиги, Миллий хафсизлик хизмати, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мехнат вазирлиги, <b>Халқ таълими вазирлиги</b>, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар</p> <p>2017 йил декабрь</p>
<p>4.</p>	

5.	<p>(23) Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази тизимидаги таълим муассасаларининг ўқувчиларини психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш тизимини қўйидагиларни назарда тутиш орқали такомиллаштириш:</p> <p>психологлар штат birlikлари сонини ва уларни моддий рағбатлантиришни кўпайтириш;</p> <p>вояга етмаганлар ўртасида ҳужужбузарликлар содир этилиши ва ўз жонига қасд қилиниши ҳолатларини камайтириш;</p> <p>таълим муассасалари ходимлари ўртасида девиант ҳулқ-атвор профилактикасини амалга ошириш.</p>	<p>Вазирлар Маҳкамасининг қарорини лойиҳасини тайёрлаш</p>	2017 йил август	<p><b>Халқ таълими вазирлиги,</b> Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар</p>	<p>М.Юлдашев, К.Гафуров, Республика таъхис маркази (Ш.Эргашев)</p>
6.	<p>(24) 16 ёшга тўлган шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини тантанали равишда топшириш тартибини белгилаш.</p>	<p>Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда идоралараро ҳужжат тайёрлаш</p>	2017 йил июнь	<p><b>Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги,</b> Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Қамолот" ЕИҲ</p>	<p>Х.Даминов, М.Юлдашев</p>

<b>IV. Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш</b>					
7.	(32) Давлат-хусусий шериклик имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда таълим муассасаларини ўқувчилар давоматини қайд этишнинг электрон тизимлари билан жиҳозлаш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарорини лойиҳасини тайёрлаш	2017 йил июль	<b>Халқ таълими вазирлиги,</b> Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари	М.Юлдашев, Ф.Ўзаков, А.Хундидбаев, С.Миразимов
8.	(36) Хуқуқбузарлик профилактикасини бевосита амалга оширувчи идора ва муассасалар фаолиятига хуқуқбузарликлар нисбатан кўп содир этилаётган жойлар (ҳудудлар) ва соҳалар кўрсатилган ҳолда интерактив хариталарни жорий этиш.	Интерактив хариталарни ишлаб чиқишда иштирок этиш	2017 йил декабрь	Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Миллий хавфсизлик хизмати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, <b>Халқ таълими вазирлиги</b> , Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Тегишли вазирлик ва идоралар	Х.Даминов, Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази (К.Гафуров)
<b>V. Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг илмий-назарий асосларини ривожлантириш, хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида кенг тушунтириш ишларини амалга ошириш</b>					
9.	(41) Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг долзарб масалалари бўйича чуқур илмий-тадқиқотлар ташкил этиш.	Чора-тадбирлар режаси	2017 йил апрель	Фанлар академияси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, <b>Халқ таълими вазирлиги</b> , Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар	М.Юлдашев, Қ.Нисёйи номидаги ЎзПФТИ (Н.Тайлақов)

10.	<p>(42) Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари ўқув дастурларини замонавий талаблар ва илғор технологияларни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш.</p>	Янгиланган дастурларни ишлаб чиқиш	Ҳар йили	<p>Ички ишлар вазирлиги, <b>Халқ таълими вазирлиги</b>, Ўрта махсус, касб-хуна таълими маркази</p>	<p>М.Юлдашев, А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ (Н.Раҳмонқуллова), МТМХҚТМОМУМ (М.Аъзамова), худудий ХТХҚТМ Ойлар</p>
11.	<p>(43) Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича давлат ташкилотларининг ОАВ билан ҳамкорлигининг янгиланган Концепциясини, шу жумладан қўйидагиларни назарда тулган ҳолда тасдиқлаш: долзарб масалаларга оид суд мажлисларини телевидение орқали намойиш қилиш; амалга оширилаётган профилактик тадбирларнинг моҳияти ва аҳамияти, қонунийлик аҳоли, содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ҳамда уларни кўриб чиқиш жараёни ҳақидаги тезкор маълумотларни телевидение орқали кенг жамоатчиликка етказиб бориш; янгиликлар дастурларига гумон қилинувчи шахсларни ушлаш, уларга нисбатан эҳтиёт чораларини қўллаш ва бошқа тезкор-қидирув тадбирларини намойиш этувчи лавҳаларни қўшиш;</p>	Концепцияни янгилашда иштирок этиш	2017 йил апрелда тасдиқлаш, 2017-2018 йилларда амалга ошириш	<p>Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, <b>Халқ таълими вазирлиги</b>, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, МТРК, Ўзбекистон ахборот агентлиги, Ўзбекистон ЭОАВМА, тегишли вазирлик ва идоралар</p>	<p>Б.Шайвалиев, барча бошқарма ва бўлимлар</p>

12.	<p>Республикадаги ёки айрим ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш, қонунийлик аҳоли ва жиноятчилик даражасига оид долзарб масалаларга бағишланган телерадиокўрсатувлар, ток-шоу ва дебатларни ташкил этиш; тезкор-қидирув ҳаракатлари материалларига асосланган видеоролик ва кўрсатувларни намойиш қилиш.</p>	<p>Комплекс чора-тадбирлар ўтказишда иштирок этиш</p>	2017-2018 йиллар, ҳар ойда	<p>Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, <b>Халқ таълими вазирлиги</b>, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, тегишли вазирлик ва идоралар</p>	<p>Х.Даминов, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари</p>
-----	---	---	----------------------------	---	--

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XALQ TA'ЛИМИ  
BAZIRINING**

2017 йил 17 март

88-сонли

**Б У Й Р У Қ И****ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
BAZIRLAR MAHKAMASINING 2017 ЙИЛ 15 МАРТДАГИ  
“УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ  
ҲАҚИДА”ГИ 140-СОНЛИ ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ  
ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш ҳақидаги 140-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда умумий ўрта таълимга кўйилаётган замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли қарори (*бундан буён матнда Қарор деб юр-тилади*) раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (М.Юлдашев)га:

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳамда таълим муассасалари томонидан Қарор талаблари бажарилишини доимий назоратга олиш;

уч ой муддатда умумий ўрта таълим муассасаларининг намунавий уставини ишлаб чиқиш, белгиланган тартибда тасдиқлаш ва жойларга етказиш;

мунтазам равишда давлат таълим стандартлари асосида янги ўқув йили учун ўқув режа ва унга тушунтириш хатини ишлаб чиқиш ҳамда 1 июнга қадар умумтаълим муассасаларига етказиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент

шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига юбориш;

Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда узайтирилган кун гуруҳларининг фаолият кўрсатиш тартиби тўғрисидаги, умумий ўрта таълим муассасаларига мактаб ёшидаги болаларни жалб этиш тартиби тўғрисидаги, умумий ўрта таълим муассасасида ҳужжатларни юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш вазифалари юклатилсин.

3. Кадрлар бошқармаси (Б.Шамсиев) умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг (ўқув фанлари ва соатлари бўйича) вазифасини вақтинча бажариб туриш тартиби ҳамда ходимларнинг синфдан ташқари фаолияти тартиби тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва давлат рўйхатидан ўтказсин.

4. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Н.Муротов) Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Давлат умумий ўрта таълим муассасаларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва давлат рўйхатидан ўтказишни таъминласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига:

барча таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли қарорининг мазмун-моҳиятини тушунтириш ишларини олиб бориш;

ўқувчиларнинг сони 180 нафаргача бўлган умумтаълим муассасаларини бошқа умумтаълим муассасаларига яқинлиги ҳамда моддий-техник базасининг ҳолатидан келиб чиқиб филиалларга айлантириш юзасидан маҳаллий ҳокимликларга таклифлар кири-тиш;

ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг (кейинги ўринларда – ота-оналар) эҳтиёжидан келиб чиқиб, болаларнинг таълим-тарбиясига кўмаклашиш мақсадида умумтаълим муассасаларида босқичма-босқич узайтирилган кун гуруҳлар ташкил этиб бориш;

мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга қамраб олиш мақсадида туман (шаҳар) ҳокимликларининг қарори асосида умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд) доирасида умумтаълим муассасаси педагог ходимлари томонидан болаларни бирма-бир (уйма-уй) рўйхатга олишни ташкил этиш;

белгиланган меъёрлар бўйича тегишли майдонга эга бўлган

умумий ўрта таълим муассасасининг синфларининг тўлиқлиги 35 нафардан ортиб кетишига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

умумтаълим муассасаларининг I синфига қабул қилишда тегишли йилнинг 31 августига қадар 6,5 ёшга тўлмаган, I синфда ўқиш истагини билдирган болаларнинг ота-оналари билан умумтаълим муассасасининг педагог ходимлари ва психологи томонидан болани мактабда ўқишга жисмонан ва руҳан тайёрлаш бўйича тушунтириш ишлари олиб боришни ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

6. Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев), “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари (А.Раҳимов)га Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли қарори доирасида амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

7. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнииг биринчи ўринбосари Б.Данияров зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 27 март

91-сонли

**Б У Й Р У Қ И**

**2017 ЙИЛНИНГ ЁЗ МАВСУМИДА БОЛАЛАРНИ ДАМ ОЛДИРИШ  
ВА СОҒЛОМЛАШТИРИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ, МАВСУМНИ  
ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳининг 2017 йил 23 мартдаги 43-сонли (№08/61-1, 24.03.2017 й.) йиғилиш баёни ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳининг 2017 йил 23 мартдаги 43-сонли йиғилиш баёни ижро учун қабул қилинсин.

2. 2017 йил ёз мавсумида болаларни дам олдириш ва соғломлаштиришга тайёргарлик кўриш ҳамда мавсумни юқори савияда ўтказиш бўйича вазирлик ишчи гуруҳи таркиби 1-иловага, ёз мавсумида болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятини ташкил этиш бўйича услубий қўлланмаларни чоп этиш бўйича сарф-харажатлар сметаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ишчи гуруҳ (Д.Кенжаев)га:

2017 йил 10 апрелга қадар ҳудудларда фаолият юритадиган кундузги оромгоҳлар дислокациясини Мувофиқлаштирувчи гуруҳга тақдим этиш;

жорий йил 25 апрелга қадар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши билан ҳамкорликда мавсум давомида оромгоҳларнинг педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш ҳамда 2017 йилги мавсумда оромгоҳларда фаолият олиб борадиган тарбиячи, етакчи ва тўғарак раҳбарларининг энг муносибларини танлаш ишларини амалга ошириш;

ихтисослашган оромгоҳлар, оромгоҳ раҳбарлари ва педагогик ходимлар учун услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий йил 15 майга қадар уларнинг 2200 нусхада чоп этилишини таъминлаш;

барча оромгоҳларда кўчма кутубхоналар фаолиятини ташкил этиш, уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, бадиий адабиётлар, газета ва журналлар билан таъминлаш бўйича тегишли чоралар кўриш;

Республика Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш бўйича методик тавсияларни такомиллаштириш, “Маънавият ва маърифат хоналари”ни зарур жиҳозлар билан таъминлаш, миллий истиқлол руҳини акс эттирувчи турли мавзулардаги плакатлар, баннерлар, таълим-тарбиявий йўналишдаги шиорлар, кўргазмали воситалар билан безатишни ташкил этиш бўйича тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш;

мактабдан ташқари таълим муассасалари ва ахборот-ресурс марказларида оромгоҳларга жалб этилмаган болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни белгилаш;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда оромгоҳларда ташкил этиладиган чет тили тўғрақлари машғулотларининг талакали мутахассис, ўқитувчи-талабалар томонидан ўтилишини таъминлаш;

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан ҳудудлар бўйича оромгоҳларда фаолият юритадиган етакчилар рўйхатини шакллантирилишида, “Баркамол авлод” болалар марказлари ҳамда “Камолот” ЁИХ тасарруфидаги ўқув-методик марказлар базасида уларнинг ўқувларини ташкил этилишида ҳамкорлик қилиш;

2017 йилги мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида ўтказиладиган ҳудудий семинарларга масъуллар рўйхатини шакллантириш ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига тақдим этиш;

Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳининг навбатдаги йиғилишига тайёргарлик кўриш ҳамда йиғилиш жараёнида оромгоҳлар учун тегишли йўналишлар бўйича тарқатма материалларнинг (услубий қўлланмалар, шиорлар) намунавий лойиҳаларини, тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотни 5 майга қадар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига тақдим этиш вазифалари топширилсин.

4. А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Марказий институти

(Н.Раҳмонқулова)га:

жорий йил 15 апрелга қадар 2017 йилги мавсумда оромгоҳларда фаолият юритадиган педагог ходимлар малакасини ошириш бўйича ўқув режаларини ишлаб чиқиш;

1 майга қадар оромгоҳларда фаолият юритадиган педагог ходимларнинг ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларида ўқитиш жадвалларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий йил 10 майга қадар ўқувларни ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

жорий йилнинг 5 апрелига қадар ҳудудларда фаолият юритадиган кундузги оромгоҳлар дислокациясини вазирликка тақдим этиш, бунда болалар учун барча шароит ва қулайликлар мавжуд бўлган таълим муассасаларини танлашга алоҳида эътибор қаратиш;

15 апрелгача ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари билан ҳамкорликда мавсум давомида оромгоҳларнинг педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш ҳамда 2017 йил ёз мавсумида оромгоҳларда фаолият олиб борадиган педагог ходимлар-тарбиячи, етакчи ва тўғарак раҳбарларининг энг муносибларини танлаб, уларнинг рўйхатини шакллантириш ва вазирликка тақдим этиш;

барча оромгоҳларда кўчма кутубхоналар фаолиятини ташкил этиш, уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, бадиий адабиётлар, газета ва журналлар билан таъминлаш;

“Маънавият ва маърифат хоналари”ни зарур жиҳозлар билан таъминлаш, миллий истиқлол руҳи, “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”ни акс эттирувчи турли мавзулардаги плакатлар, баннерлар, таълим-тарбиявий йўналишдаги шиорлар, кўргазмалар воситалар билан безатишни ташкил этиш бўйича тегишли чораларни кўриш;

оромгоҳларга бириктириладиган педагог ходимлар учун ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказиладиган ҳудудий ўқув-семинарларга тайёргарлик кўриш;

25 майга қадар тасарруфдаги стационар соғломлаштириш оромгоҳларни ва таълим муассасаларида ташкил этиладиган кундузги оромгоҳларни мавсумга тўлиқ тайёр ҳолатга келтириш вазифалари топширилсин.

6. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Р.Зулфиқоров) ёз мавсумида болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятини ташкил этиш бўйича услубий қўлланмаларни чоп этиш маблағларини тасдиқланган смета асосида “Баркамол

авлод” республика болалар бадий ижодиёт марказининг шахсий ғазна ҳисоб варағига ўтказилишини таъминласин.

7. “Баркамол авлод” республика болалар бадий ижодиёт маркази (Д.Эрматов)га:

сарф-харажатлар сметаси асосида услубий қўлланмаларни ўрнатилган тартибда 2017 йил 10 майга қадар чоп этилишини таъминлаш;

услубий қўлланмалар чоп этилган кундан сўнг ўн кун муддатда Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармасига маблағларнинг ишлатилиши бўйича ҳисобот топшириш вазифалари юклатилсин.

8. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

*Ушбу буйруқнинг тўлиқ матни билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг расмий веб-сайти [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz) ва [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) ахборот порталида танишишингиз мумкин*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 30 март

95-сонли

**Б У Й Р У Қ И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ЯНАДА  
РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР  
СТРАТЕГИЯСИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИНИ ХАЛҚ  
ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИГА ЕТКАЗИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони мазмуни ва моҳиятини халқ таълими тизими ходимларига етказиш, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. 2017 йил апрель ойдан бошлаб Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳиятини таълим муассасаларига етказиш бўйича ўқув машғулотлари (кейинги ўринларда ўқув машғулотлари деб юритилди) ташкил этилсин.

2. Ўқув машғулотларини икки йўналишда - барча ҳудудларда босқичма-босқич (каскад) усулида ҳамда тизимдаги малака ошириш таълим муассасаларида олиб бориладиган ўқув курслари доирасида юқори савияда ташкил этилиши белгилаб қўйилсин.

3. Ўқув машғулотларини ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳи таркиби 1-иловага, вазирликнинг 2016 йил 30 декабрдаги “Халқ таълими тизими раҳбар ва педагог ходимларининг 2017 йил учун малака ошириш режаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 308-сонли буйруғи билан тасдиқланган 7- ҳамда 17-иловаларининг тегишли ўқув модуллари 2-иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

4. А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти (Н.Раҳманкулова)га:

беш кун муддатда ҳудудларда каскад усулида ташкил этиладиган ўқув машғулотларининг ўқув материалларини (маъруза матнлари, тақдимотлар) малака ошириш таълим муассасаларига етказиш;

апрель ойидан бошлаб малака ошириш таълим муассасаларида олиб бориладиган ўқув курслари мазмунини мазкур буйруқнинг 2-ило-васида келтирилган ўқув режа ва дастурга мувофиқлаштирилиши юзасидан методик ёрдам кўрсатиш;

ҳар икки йўналиш бўйича ўқув машғулотларининг ташкил этилиши, ўтказилишини мувофиқлаштириб, апрель ойи якунида ўрнатилган тар-тибда вазирликка ҳисобот киритиш вазифалари юклатилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари рек-торларига:

беш кун муддатда каскад усулида ташкил этиладиган ўқув машғулотларини икки босқичда (туман (шаҳар) марказида ва ҳар бир таълим муассасасида) ўтказиш режа-жадвалини ишлаб чиқиш ва А.Авлоний номидаги халқ таълими муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институ-тига тақдим этиш;

туман (шаҳар) марказида ташкил этиладиган ўқув машғулотларига барча таълим муассасалари раҳбарлари ва миллий ғоя туркумига ки-рувчи фанлар ўқитувчилари ҳамда мактабгача таълим муассасалари методистлари иштирокини таъминлаш ва ўқув машғулотларини олиб боришга малакали профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш ҳамда уларга ўқув материалларини етказиш;

таълим муассасасида ташкил этиладиган ўқув машғулотларини таълим муассасаларининг барча ходимлари ва ота-оналар вакилла-ри иштирокида ўтказилишини таъминлаш;

малака ошириш таълим муассасаларида олиб бориладиган ўқув курслари мазмунини 2-иловадаги ўқув режа ва дастур асосида та-комиллаштириш ҳамда 2017 йилнинг апрель ойидан бошлаб жорий этиш;

жорий йилнинг апрель ойи якунига қадар ўқув машғулотларини ташкил этилиши ва ўтказилиши юзасидан ҳисоботларни А.Авлоний номидаги халқ таълими муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институтига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

*Ушбу буйруқнинг тўлиқ матни билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг расмий веб-сайти [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz) ва [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) ахборот порталида танишишингиз мумкин.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 30 март

97-сонли

**Б У Й Р У Қ И**

**“УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ  
БОСҚИЧЛИ ВА ЯКУНИЙ НАЗОРАТ  
ИМТИҲОНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ  
БУЙРУҚҚА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 мартдаги 140-сон “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига мувофиқ

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2017 йил 10 мартдаги 78-сонли “Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларнинг босқичли ва якуний назорат имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги буйруғига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазириликка:

тўғридан-тўғри бўйсунувчи давлат ихтисослаштирилган умум-таълим муассасалари раҳбарлари;

мазкур буйруқнинг барча умумий ўрта таълим муассасаларига етказиб берилишини таъминлаш;

умумий ўрта таълим муассасалари педагог ходимларига мазкур буйруқ билан киритилаётган ўзгартиришларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ишларини олиб бориш вазифалари юклатилсин.

3. Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев) ва “ZiyoNET” ресурс марказининг вазирликдаги бўлими (У.Тайлақов) га мазкур буйруқни вазирликнинг расмий веб-сайти (uzedu.uz) ва ZiyoNET.uz ахборот таълим порталига 2017 йил 10 апрелига қадар жойлаштириш таъминлансин.

4. “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари (А.Раҳимов) га мазкур буйруқни зудлик билан чоп этиш тавсия этилсин.

5. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**



*Халқ таълими вазирининг  
2017 йил 30 мартдаги  
97-сонли буйруғига  
1-илова*

**“Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларнинг  
босқичли ва якуний назорат имтиҳонларини ташкил этиш ва  
ўтказиш тўғрисида”ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқнинг 2-бандидаги “4-8-синфлар” деган сўзлар “5-8-синфлар” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг босқичли назорат имтиҳонларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда (1-иловада):

3-банддаги “4-8-синфларида” деган сўзлар “5-8-синфларида” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

30-банднинг биринчи хатбошисидаги “4-8-синф ўқувчилари” деган сўзлар “5-8-синф ўқувчилари” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 2-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Халқ таълими вазирининг  
2017 йил 30 мартдаги  
97-сонли буйруғига  
2-илова

**Босқичли ва якуний назорат имтиҳонлари  
ўтказиладиган фанларнинг рўйхати ва имтиҳон ўтказиш  
шакллари**

<b>Босқичли назорат</b>	
<b>Фаннинг номи</b>	<b>Имтиҳон ўтказиш шакли</b>
<b>5-синф</b>	
Математика*	ёзма
Ўзбек тили (рус тили)	оғзаки
Адабиёт	оғзаки
<b>6-синф</b>	
Чет тили*	оғзаки
Тарих	оғзаки
Ботаника	оғзаки
<b>7-синф</b>	
Она тили ва адабиёт*	ёзма (диктант)
Ўзбек тили (рус тили)	оғзаки
Физика	оғзаки
Информатика	ёзма
<b>8-синф</b>	
Чет тили*	оғзаки
География	оғзаки (харита билан ишлаш орқали)
Давлат ва ҳуқуқ асослари	оғзаки
Биология	оғзаки
<b>Якуний назорат</b>	
<b>9-синф учун</b>	
Она тили ва адабиёт**	ёзма (баён)
Математика**	ёзма
Физика*	оғзаки (лаборатория ишлари билан)
Тарих*	оғзаки (харита билан ишлаш орқали)

Кимё*	ёзма
Ўзбек тили* (таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган умумий ўрта таълим муассасаларида)	оғзаки
Чет тили*	оғзаки
Жисмоний тарбия**	назарий ва амалий

**Изоҳ:** босқичли назорат иккита ўқув фанидан ўтказилади.

“\*\*” мазкур фандан имтиҳон мажбурийдир, иккинчи фан эса ўқувчиларнинг кўпчилик овози билан босқичли назорат ўтказилишидан бир ой олдин танланади. Бу ҳақда ҳар бир синф учун танланган ўқув фанидан босқичли назоратни ўтказиш ҳақида умумий ўрта таълим муассасаси педагогик кенгаши қарор қабул қилади.

“\*\*\*” мазкур фанлардан якуний назорат имтиҳонлари қуйидаги муддатларда ўтказилади: жисмоний тарбия – 2-8 май; она тили ва адабиёт – 26 май; математика – 30 май.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 10 апрель

114-сонли

**Б У Й Р У Қ И**

“УМУМИЙ ЎРТА ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ-  
НИНГ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ  
ТЎҒРИСИДА”ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР  
МАҲКАМАСИНИНГ 2017 ЙИЛ 6 АПРЕЛДАГИ 187-СОНЛИ ҚАРОРИ  
ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ, умумтаълим фанларини ўқитишнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, ўқув-тарбия жараёнига ўқитишнинг принципиал янги методологиясини жорий этиш, ўқувчиларда фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларига мос билим ва кўникмаларни шакллантириш, ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини яратиш ва амалиётга жорий этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

Вазирлик ва ҳудудий халқ таълими бошқарув идораларининг раҳбар ва барча масъул ходимлари ушбу қарорнинг мазмун моҳиятини таълим муассасалари педагогик жамоаларига етказилишини таъминласин.

2. Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси (А.Носиров), Республика таълим маркази (И.Зокиров)га:

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан ҳамкорликда икки ой муддатда “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таъ-

лимининг давлат таълим стандартлари”ни ўрнатилган тартибда “Ўзстандарт” агентлигининг талабларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказиш;

2017 йил 1 июнга қадар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан ҳамкорликда малакали мутахассислар, амалиётчи профессор-ўқитувчилардан иборат ижодий гуруҳлар тузган ҳолда умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартлари талаблари асосида ўқув дастурларини янгидан ишлаб чиқилишини, ўрнатилган тартибда тасдиқланишини ҳамда умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига етказилишини таъминлаш;

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурининг 97-бандига мувофиқ, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш жараёнида узлуксизлик ва узвийлик тамойиллари асосида ҳуқуқий таълим моделини ишлаб чиқилиши ва ўрнатилган тартибда тасдиқланишини таъминлаш;

икки ой муддатда ўқитувчилар учун такомиллаштирилган давлат таълим стандартларининг мазмун-моҳияти, таянч ва фанга оид компетенциялар ҳамда давлат таълим стандартлари талабларининг бажарилишини таъминлашга оид ўқитувчи ва таълим муассасалари раҳбарлари масъулиятини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда таълим муассасаларига етказиш;

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартлари, умумтаълим фанлари бўйича малака талаблари, ўқув режа ва дастурларни китоб шаклида чоп этиш бўйича буюртмаларни шакллантирсин ҳамда вазирликнинг Молиялаштириш, Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармасига тақдим этсин;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда яратилаётган ўқув-методик мажмуаларнинг ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ундайдиган, расмларга бой, замонавий матбаа талабларига жавоб берадиган шаклларда чоп этишни таъминлаш вазифалари юклатилсин.

3. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (М.Юлдашев), Республика таълим маркази (И.Зокиров) 2017 йил 15 майга қадар умумий ўрта таълимнинг таянч ўқув режасига мувофиқ 2017-2018 ўқув йили учун ўқув режа ва унга тушунтириш хати ишлаб чиқсин ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун вазирлик раҳбариятига киритсин.

4. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (М.Юлдашев), А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти (Н.Рахмонқулова) умумий ўрта таълимнинг давлат

таълим стандартлари ва ўқув дастурларини амалиётга самарали жорий этиш юзасидан тегишли мутахассислар учун 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб мақсадли ўқувлар ташкил этсин ҳамда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари дастурлари ва ўқув модулларининг қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

5. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Н.Муротов) умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимнинг давлат таълим стандартлари, умумтаълим фанлари бўйича малака талаблари, ўқув режа ва дастурларни китоб шаклида чоп этиш учун сарфланадиган маблағларни ажратиш бўйича Молия вазирлигига таклифлар киритсин.

6. Вазирликнинг бош юрисконсулти (С.Миразимов) барча бошқарма ва бўлимлар билан биргаликда вазирлик томонидан қабул қилинган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқлаштирасин.

7. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИНИНГ**

2017 йил 15 апрель

123 қб-сонли

2017 йил 15 апрель

27 қб-сон

**Қ Ҷ Ш М А Б У Й Р У Қ И**

**УМУМИЙ ЎРТА ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР  
ТАЪЛИМИНИНГ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИ  
ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимида чет тилларини ўргатиш тажрибасидан келиб чиқиб, умумий ўрта таълимнинг компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари, ўқув-методик мажмуаларининг янги авлодини ишлаб чиқиш, умумтаълим фанларини ўқитишнинг узлуксизлиги ва изчиллигини янада такомиллаштиришнинг замонавий методологиясини яратиш ва амалиётга жорий этиш, ўқувчиларнинг онгли равишда касб-хунар танлаш мотивацияларини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарори билан умумтаълим фанлари бўйича компетенциявий ёндашувга асосланган Давлат таълим стандартлари тасдиқланди.

Давлат таълим стандартларига мувофиқ умумтаълим фанлари бўйича компетенциявий ёндашувга асосланган ўқув дастурларини ишлаб чиқишни ташкил этиш мақсадида

**БУЮРАМИЗ:**

1. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг умумтаълим фанларидан ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган давлат таълим стандартлари асосида ўқув дастурлари ва ўқувчиларнинг давлат таълим стандартлари талабларини ўзлаштириш даражасини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи (бундан буён

матнда ишчи гуруҳ деб юритилади) 1-иловага, Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартлари асосида ўқув дастурлари ва ўқувчиларнинг давлат таълим стандартлари талабларини ўзлаштириш даражасини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш бўйича мувофиқлаштирувчи гуруҳ (бундан буён матнда мувофиқлаштирувчи гуруҳ деб юритилади) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

## 2. Ишчи гуруҳ:

жорий йилнинг 20 майига қадар Давлат таълим стандартлари талаблари асосида умумтаълим фанлари ўқув дастурларини ишлаб чиқиб, экспертизадан ўтказиш ва мувофиқлаштирувчи гуруҳга тақдим этиш;

жорий йилнинг 20 августига қадар ўқувчиларнинг давлат таълим стандартлари талабларини ўзлаштириш даражасини баҳолаш мезонлари лойиҳасини ишлаб чиқиб, экспертизадан ўтказиш ва мувофиқлаштирувчи гуруҳга тақдим этиш чораларини кўрсин.

3. Халқ таълими вазирлигининг Таълим муассасаларида ўқувтарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси (А.Носиров), Урта махсус, касб-хунар таълими маркази директори ўринбосари (З.Худайбердиев)ларга:

жорий йилнинг 20 апрелидан ўқув дастурлари, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқувчи ва экспертизадан ўтказувчи ишчи гуруҳлар фаолияти учун амалий ўқув семинарлар ташкил этиш ва зарур шарт-шароитлар яратиш;

жорий йилнинг 15 майига қадар такомиллаштирилган ўқув дастурларини ишчи гуруҳларни жалб қилган ҳолда экспертизадан ўтказиш;

жорий йилнинг 20 августига қадар ўқувчиларнинг давлат таълим стандартлари талабларини ўзлаштириш даражасини баҳолаш мезонлари лойиҳасини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш чораларини кўриш;

2017/2018 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидан белгиланган таянч таълим муассасаларида ўқувчиларнинг давлат таълим стандартлари талабларини ўзлаштириш даражасини баҳолаш мезонларини амалиётга жорий этиш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш;

2017/2018 ўқув йилидан бошлаб ўқув дастурлари асосида умумтаълим фанларидан дарсликларни такомиллаштириш, уларнинг янги авлодини чоп этиш ишларини ташкиллаштириш;

тажриба-синов жараёнида иштирок этаётган ўқитувчиларга амалий-методик ёрдам бериш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг Республика таълим маркази ҳамда Ўрта махсус, касб-хунар таъли-



ми марказининг Ахборот-методик таъминлаш хизмати методистлари, шунингдек, ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари профессор-ўқитувчиларини бириктириш;

жорий йилнинг 25 августига қадар компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқувчиларнинг давлат таълим стандартлари талабларини ўзлаштириш даражасини баҳолаш мезонларини нашр этиш ва ҳар бир таълим муассасасига етказиш;

2017 йилнинг 25 августига қадар ҳудудий халқ таълими ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқарув идоралари билан биргаликда компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини амалиётга жорий этиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

4. Халқ таълими вазирлигининг Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев), “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари таҳририяти (А.Раҳимов), Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг Ахборот-методик таъминлаш хизмати (М.Холмуҳамедов)га таълим-тарбия сифатини оширишга қаратилган ўқитишнинг янги методологияси сифатида компетенциявий ёндашувга асосланган таълимни жорий этиш ишларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2015 йил 11 августдаги 229/ҚБ, 29/ҚБ ва 36/ҚБ сонли қўшма буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қўшма буйруқ ижросининг назорати Халқ таълими вазирлигининг биринчи ўринбосари Б.Данияров ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директорининг ўринбосари З.Худайбердиевлар зиммаларига юклатилсин.

**Халқ таълими вазири**

**У. Иноятов**

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази  
директори**

**У. Салимов**

*Ушбу буйруқнинг тўлиқ матни билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг расмий веб-сайти [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz) ва [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) ахборот порталида танишишингиз мумкин.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ**

**Қ А Р О Р И**

**БОЛАЛАР СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ  
НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2017 й., 13-сон, 212-модда)*

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017  
йил 31 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2872**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартдаги 67-сон “Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 11 мартдаги 9 ва 3-сон “Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2572, 2014 йил 7 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 15-сон, 171-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Халқ таълими вазири**

*Тошкент ш.,  
2017 йил 24 февраль,  
2-мҳ-сон*

**У. Иноятов**

**Соғлиқни сақлаш вазири**

*Тошкент ш.,  
2017 йил 24 февраль,*

**А.Шадманов**

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги,  
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг  
2017 йил 24 февралдаги 2-мх,  
80-сон қарорига ИЛОВА*

## **Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари тўғрисида НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ҳамда “Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартдаги 67-сон “Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг (бундан буён матнда оромгоҳ деб юритилади) мақсади, вазифалари ва функцияларини ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Оромгоҳ санитария-гигиена, санитария-эпидемиология ҳамда хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб берадиган ва қулай шароитда болаларнинг белгиланган кундалик ҳаёт тарзига риоя этиши, сифатли овқатланиши, ижодий салоҳиятининг ривожланиши, соғлом турмуш тарзи кўникмаларининг шаклланиши, дам олдирилиши, саломатликларининг тикланиши ва мустаҳкамланиши, жисмоний тарбия, спорт ва туризм билан шуғулланишларини таъминловчи соғломлаштириш муассасаси ҳисобланади.

2. Ушбу Низом талаблари давлат органлари, улар тизимидаги ташкилотлар ва қасаба уюшмалари тасарруфида бўлган оромгоҳлар фаолиятига, шунингдек қасаба уюшмалари маблағлари йўналтириладиган бошқа оромгоҳлар фаолиятига нисбатан татбиқ этилади.

3. Оромгоҳ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низом ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда ўз уставига амал қилади.

## 2-боб. Оромгоҳнинг мақсади, вазифалари ва функциялари

4. Оромгоҳнинг мақсади – болаларнинг ўқишдан ташқари вақтини сермазмун ўтказиш, уларнинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш, улар онгига миллий ғояни, ватанпарварлик туйғуларини ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш орқали ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишдан иборатдир.

5. Қуйидагилар оромгоҳнинг асосий вазифалари ҳисобланади: болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш; болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш;

болаларни ўзбек халқининг тарихий ва миллий анъаналари ҳамда маънавий қадриятлари билан таништириш;

болаларда “оммавий маданият”нинг турли иллатларига қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, улар онгига умуминсоний ва миллий қадриятларни сингдириш;

болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш.

Оромгоҳ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

6. Оромгоҳ ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

болаларнинг ҳар томонлама камол топиши, хусусан, уларнинг шахси, қизиқишлари, иқтидорининг ривожланиши, мустақил билим олиши ва ижодий меҳнат қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратади;

болаларнинг эҳтиёжларига мувофиқ уларнинг ижодий имкониятларини ривожлантиришга қаратилган тўғарақлар ташкил этади; қўшимча таълим хизматлари кўрсатади;

болалар билан санъат ва ҳунармандчилик йўналишлари бўйича машғулотлар ўтказади;

қобилиятли, иқтидорли болаларни аниқлайди, уларнинг шахсини ривожлантиришга қаратилган мусобақалар, техник, бадий ижодиёт, ўлкашунослик, экология ва бошқа йўналишлардаги тадбирларни ташкил этади.

Оромгоҳ қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

## 3-боб. Оромгоҳлар фаолиятини ташкил этиш

### 1-§. Умумий қоидалар

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартдаги 67-сон қарори билан тасдиқланган Республика оромгоҳларида болалар-

нинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш концепциясига мувофиқ оромгоҳлар 2 турга ажратилади:

1) стационар оромгоҳлар – стационар база асосида қурилган ёки вақтинчалик ижарага олинган объектларда ташкил этилиб, унда болалар смена давомида яшайди;

2) кундузги оромгоҳлар – умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, спорт, ижтимоий хизмат кўрсатиш, санаторий-курорт муассасалари ва бошқа ташкилотлар қошида вақтинчалик ташкил этилиб, унда болалар фақатгина кундуз куни дам олдирилади ва соғломлаштирилади.

8. Оромгоҳ давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар (бундан буён матнда Балансда сақловчи деб юритилади) томонидан ташкил этилади.

Оромгоҳ бир нечта Балансда сақловчи ва касаба уюшмаларининг биргаликдаги маблағлари асосида ташкил этилиши мумкин.

9. Оромгоҳ фаолиятига Балансда сақловчи томонидан, Балансда сақловчилар бир нечта бўлганда келишув асосида улардан бири томонидан тайинланадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

10. Оромгоҳда болаларни соғломлаштириш муддатлари Балансда сақловчи(лар) томонидан белгиланади. Бунда соғломлаштириш муддатлари ёзги мавсумда 10 кундан, кузги, қишки ва баҳорги мавсумда 7 кундан кам бўлмаслиги лозим.

11. Оромгоҳда болаларнинг ёшини ҳисобга олган ҳолда гуруҳлар тузилади. Гуруҳлардаги болалар сони 7–9 ёшдаги болалар учун 30 нафардан, 10–18 ёшдаги болалар учун 40 нафардан ошмаслиги керак.

12. Оромгоҳларда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартдаги 67-сон қарори билан тасдиқланган Республика оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш концепциясида назарда тутилган хизматлар кўрсатилади.

13. Оромгоҳларда дам олувчилар учун овқатланиш ва бошқа маиший шароитларни ташкил этишда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя қилиниши зарур.

## **2-§. Стационар оромгоҳнинг фаолиятини ташкил этиш**

14. Стационар оромгоҳ юридик шахс ҳисобланади, ўз уставига, мустақил балансига, банк ҳисобварағига, ўз номи ёзилган муҳрга, юридик манзили кўрсатилган штамп ва бланкаларга эга бўлади.

15. Болалар стационар оромгоҳларга Балансда сақловчи томонидан бериладиган йўлланма асосида юборилади. Йўлланмалар болаларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (бундан буён матнда ота-оналар деб юритилади) ишлаётган ташки-

лотлар, ота-оналар, ҳомийлар, касаба уюшмаларининг маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан харид қилинади.

16. Стационар оромгоҳда болаларни қабул қилиш ва кузатиш комиссияси тузилади.

Болаларни қабул қилиш ва кузатиш комиссиясининг таркиби стационар оромгоҳ раҳбарининг буйруғига мувофиқ беш кишидан иборат таркибда тасдиқланади ҳамда комиссия раиси (оромгоҳ раҳбари) ва аъзоларидан (тарбиячи, етакчи, бош шифокор ва ҳамшира) ташкил топади.

17. Болалар стационар оромгоҳга қуйидаги ҳужжатлар асосида қабул қилинади:

Балансда сақловчи томонидан бериладиган йўлланма;  
боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси ёки паспорти нусхаси;

даволаш-профилактика муассасаси томонидан боланинг соғлиғи ҳақида берилган тиббий маълумотнома (079/х-шакл).

18. Стационар оромгоҳга болалар мазкур оромгоҳ тиббиёт ходимлари кўригидан ўтказилган ҳолда қабул қилинади. Тиббий кўрик жараёнида болада бирор касаллик аломати аниқланса, бола оромгоҳга қабул қилинмайди ва унинг даволаниши учун 3 кун муддат берилади.

Бола 3 кун ичида даволаниб келган тақдирда, стационар оромгоҳга қабул қилинади ва жорий сменанинг якунига қадар оромгоҳда дам олдирилади. Даволаниш муддати уч кундан ортиқ давом этган тақдирда, ота-онасининг 10 кун ичида берилган ёзма мурожаатига асосан болага берилган йўлланма Балансда сақловчи томонидан қайтариб олинади ва йўлланма учун тўланган маблағнинг 85 фоизи тўловчига қайтарилади.

19. Бир сменада дам олдирилган ва соғломлаштирилган болалар стационар оромгоҳга мазкур Низомда белгиланган тартибда кейинги сменаларда ҳам қабул қилиниши мумкин.

20. Стационар оромгоҳ ходимларининг штатлар жадвали Балансда сақловчи томонидан тасдиқланади.

21. Стационар оромгоҳ ходимлари меҳнат шартномаси асосида оромгоҳ бошлиғининг буйруғи билан ишга қабул қилинади ва лавозимидан озод этилади.

22. Тиббиёт ходимлари стационар оромгоҳга тегишли ҳудудий соғлиқни сақлаш органлари билан келишган ҳолда ишга қабул қилинади. Тиббиёт ходимлари ва оромгоҳ раҳбарияти болаларнинг ҳаёти, соғлиғи ва жисмоний ривожланиши, улар билан мавсум давомида даволаш-профилактика ишлари олиб борилиши, санитария

нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя қилиниши учун масъул ҳисобланади.

Дам олдириладиган ва соғломлаштириладиган болалар ҳамда оромгоҳ ходимларига биринчи тиббий ёрдам бепул кўрсатилади.

23. Стационар турдаги оромгоҳ ходимлари учун дам олдириш ва соғломлаштириш мавсуми давомида яшаш ва овқатланиш бепул амалга оширилади ва бунинг учун сарфланадиган харажатлар Балансда сақловчи ҳисобидан қопланади.

24. Стационар оромгоҳ соғломлаштириш мавсумидан ташқари вақтларда шартнома асосида турли ташкилотлар билан семинарлар, спорт мусобақалари ва бошқа тадбирларни ўтказиши, шунингдек ўз базасида дам олиш масканларини ташкил этиши мумкин.

### **3-§. Кундузги оромгоҳнинг фаолиятини ташкил этиш**

25. Кундузги оромгоҳнинг кундалик фаолияти Балансда сақловчининг қарорига кўра ҳудудий шароитдан келиб чиқиб қуйидагича ташкил этилади:

соат 08.30 дан 14.00 гача;

соат 08.30 дан 17.00 гача.

26. Ҳар бир кундузги оромгоҳда болаларни қабул қилиш ва кузатиш комиссияси тузилади.

Болаларни қабул қилиш ва кузатиш комиссиясининг таркиби оромгоҳ фаолияти ташкил этиладиган муассаса раҳбарининг буйруғига мувофиқ беш кишидан иборат таркибда тасдиқланади ҳамда комиссия раиси (оромгоҳ раҳбари) ва аъзоларидан (уч нафар педагог ва тиббиёт ходими) ташкил топади.

27. Ота-оналар фарзандини оромгоҳда дам олдириш учун оромгоҳ фаолияти ташкил этилишидан 15 кун олдин болаларни қабул қилиш ва кузатиш комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ота-оналар томонидан оромгоҳ раҳбари номига ёзилган ариза;

ота-оналардан бирининг фуқаролик паспорти нусхаси;

боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси ёки паспорти нусхаси;

даволаш-профилактика муассасаси томонидан боланинг соғлиғи ҳақида берилган тиббий маълумотнома (079/х-шакл);

тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (квитанция, тўлов топшириқномаси) нусхаси.

28. Кундузги оромгоҳ раҳбари томонидан дам олиш мавсуми бошлангунига қадар оромгоҳда смена бўйича дам олдириладиган ва соғломлаштириладиган болалар рўйхати тасдиқланади.

29. Бир сменада дам олдирилган ва соғломлаштирилган болалар кундузги оромгоҳга мазкур Низомда белгиланган тартибда кейинги смениларда ҳам қабул қилиниши мумкин.

**4-боб. Оромгоҳ фаолиятини ихтисослаштириш****1-§. Умумий қоидалар**

30. Оромгоҳлар болаларнинг ёшини эътиборга олган ҳолда тарбиявий ишларнинг мазмуни бўйича турли ихтисослашган йўналишларда ташкил этилиши мумкин.

31. Стационар оромгоҳ қуйидаги ихтисослашган йўналишларда ташкил этилиши мумкин:

интеллектуал ривожлантириш оромгоҳлари;  
спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари;  
санаторий-соғломлаштириш оромгоҳлари;  
ҳарбий-спорт оромгоҳлари;  
экологик-биологик, ўлкашунослик оромгоҳлари;  
ихтисослашган болалар оромгоҳлари.

32. Кундузги оромгоҳ қуйидаги ихтисослашган йўналишларда ташкил этилиши мумкин:

меҳнат ва дам олдириш оромгоҳлари;  
спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари;  
экологик-биологик, ўлкашунослик оромгоҳлари.

33. Стационар ва кундузги оромгоҳларнинг фаолияти болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштиришни амалга ошириш бўйича мутасадди ташкилотчиларнинг таклиф ва ташаббуслари билан бошқа йўналишларда ҳам ташкил этилиши мумкин.

**2-§. Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳлари**

34. Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳлари фан олимпиадалари, таълим соҳасининг турли даражадаги мусобақалари ғолиблари бўлган 10 – 14 ёшдаги болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш учун ташкил этилган бўлиб, унда бир ёки бир нечта фанлар ёхуд тиллар чуқурлаштирилган тарзда ўрганилишига эътибор берилади.

35. Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳлари интеллектуал ўқув машғулотлари ва маданий-маърифий тадбирлар дастурлари асосида фаолият кўрсатади.

36. Интеллектуал ўқув машғулотлари дастури фан йўналишлари бўйича дарс ва тўғарак машғулотлари, маҳорат дарслари, фан кечалари, турли мусобақа, викторина ва бошқа танловлар шаклида амалга оширилади.

Маданий-маърифий тадбирлар дастури спорт мусобақалари, ижодий учрашувлар, адабий-бадиий кечалар ва концерт дастурлари, иншо ва расмлар танловлари, шунингдек оромгоҳлар учун тавсия этилган фильмлар намойиши шаклида ташкил этилади.



37. Интеллектуал ўқув машғулоти ва маданий-маърифий тадбирлар дастурларини амалга оширишда олимлар ва олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, адабиёт ва санъат арбоблари улар билан келишилган ҳолда таклиф этилади.

### **3-§. Спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари**

38. Спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари 8 – 18 ёшдаги болалар ва ўсмирлар учун спорт йўналишидаги таълим муассасалари тарбияланувчиларининг ўқув-машқ машғулотларини давом эттиришлари, уларнинг спорт маҳоратини такомиллаштириш, жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш, соғлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган бўлиб, унда болаларнинг ёши ва спорт турининг ўзига хос хусусиятлари асосида ҳар хил гуруҳлар тузилиши мумкин.

39. Спорт-соғломлаштириш оромгоҳларидаги ўқув-машқ машғулоти болалар спорт мактабларида ўтказиладиган ўқув жараёнининг давоми бўлиб, мазкур муассасалар учун мўлжалланган дастурлар асосида мураббийлар томонидан олиб борилади.

40. Спорт-соғломлаштириш оромгоҳига тарбиячи ва етакчилар сифатида болалар учун спорт йўналишидаги таълим муассасаларининг мураббийлари келишув бўйича жалб этилади.

### **4-§. Санаторий-соғломлаштириш оромгоҳлари**

41. Санаторий-соғломлаштириш оромгоҳлари юрак қон-томир тизимининг касалланиши, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш органлари, таянч-ҳаракат аппаратининг ўзига хос бўлмаган хусусиятлари билан бетоб бўлиб турадиган 7–14 ёшдаги болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш учун ташкил этилади.

42. Санаторий-соғломлаштириш оромгоҳлари стационар база асосида қурилган соғломлаштириш оромгоҳлари, санатория туридаги мактаб-интернатлар, санаторий-профилакторийлар базасида, шунингдек ўрмон, дарё ва бошқа сув ҳавзалари ёнида жойлашган ҳамда етарли даражада кўкаламзорлаштирилган, фаолият юритиши учун зарур жиҳозлар билан таъминланган объектларда ташкил этилиши мумкин. Мазкур оромгоҳларда болаларнинг соғломлаштирилишини ташкил этиш даволаш-соғломлаштириш режимида қатъий риоя қилган ҳолда чиниқиш билан бирга олиб бориладиган даволаш бадан-тарбияси, тўйимли овқатланиш ҳамда касаллик тури ва хусусиятига мос келувчи профилактик муолажага асосланиши керак.

43. Санаторий-соғломлаштириш оромгоҳларида болаларнинг жисмоний тарбияси тиббий назорат остида олиб борилади. Ушбу оромгоҳларда соғломлаштирилаётган болалар учун жисмоний зўриқиш даражаси ва режими шифокор томонидан белгиланади.

44. Санаторий-соғломлаштириш оромгоҳларида олис масофага ва узоқ давом этувчи саёҳатлар, ҳарбий ўйинлар ва спорт мусобақаларини ўтказиш тавсия этилмайди, узоққа ёки тез югуришни, чидамлилиқни назарда тутувчи бошқа машғулот турлари чекланган ҳолда ўтказилади.

#### **5-§. Ҳарбий-спорт оромгоҳлари**

45. Ҳарбий-спорт оромгоҳлари 12–17 ёшдаги болаларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшларни Ватан мудофаасига, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизмат қилишга тайёрлаш мақсадида ёзги таътил мавсумида ички ишлар органларининг профилактик ҳисобида турувчи вояга етмаганлар учун маҳсус дастур асосида ташкил этилади.

46. Ҳарбий-спорт оромгоҳларида вояга етмаганлар билан спорт машғулотлари, психологлар иштирокида семинар-тренинглар ва турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилади.

#### **6-§. Экологик-биологик, ўлкашунослик оромгоҳлари**

47. Экологик-биологик, ўлкашунослик оромгоҳларида 7–14 ёшдаги болалар учун сайёҳлик-ўлкашунослик ва экскурсия ишларининг серқирра турлари ташкил этилади, болаларга мамлакатимизнинг табиий, ижтимоий-иқтисодий ва тарихий жиҳатдан ўзига хос жиҳатлари чуқур ўргатилади.

48. Экологик-биологик, ўлкашунослик оромгоҳларида болалар учун сайёҳлик, ўлкашунослик, табиатшунослик ва экология йўналишларида тўғарақлар ташкил этилади.

Мазкур тўғарақларда болаларга табиат ҳодисаларини кузатиш ва таққослаш, экологик муаммоларни ўрганиш ва муҳокама қилиш, шунингдек ушбу мақсадларда бевосита тажриба ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратилади.

49. Экологик-биологик, ўлкашунослик оромгоҳлари томонидан уларда ўтказиладиган машғулотларнинг хусусиятини инобатга олган ҳолда турли йўналишлар бўйича саёҳатлар ташкил этилади.

#### **7-§. Ихтисослашган болалар оромгоҳлари**

50. Ихтисослашган болалар оромгоҳлари 7–14 ёшдаги болаларда етакчилик ва фаоллиқни шакллантириш, уларнинг ижтимоий мослашув кўникмаларини оширишга йўналтирилади.

51. Ихтисослашган болалар оромгоҳининг фаолияти, қоида тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган ўқувчиларнинг таътил пайтида дам олишлари ва саломатликларини мустаҳ-

камлашни ҳамда уларга кўшимча таълим-тарбия беришни назарда тутган ҳолда ташкил этилади.

52. Ихтисослашган болалар оромгоҳида тарбиячи сифатида Меҳрибонлик уйларининг хизматчилари, тўғарак раҳбарлари сифатида эса, “Баркамол авлод” болалар марказларининг педагог ходимлари жалб этилиши мумкин.

#### **8-§. Меҳнат ва дам олдириш оромгоҳлари**

53. Меҳнат ва дам олдириш оромгоҳлари умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 15–18 ёшдаги ўқувчиларининг ижтимоий фойдали меҳнати дам олдириш ва соғломлаштириш билан бирга қўшиб олиб борилишига йўналтирилади. Унда болалар ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрланади, уларнинг меҳнат кўникмалари шакллантирилади. Ўқувчиларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш оромгоҳни ташкил этишнинг асосий шарти ҳисобланади.

54. Меҳнат ва дам олдириш оромгоҳлари кундузги оромгоҳ сифатида турли ташкилотлар, шу жумладан фермер хўжаликлари базасида ташкил этилади. Мазкур оромгоҳларда ҳар бир мавсум 12 кундан кўп бўлмаган муддатга белгиланади.

55. Болаларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш ва уларнинг меҳнат кўникмаларини шакллантиришда бажараётган ишининг тури ва муддатларидан қатъи назар, 18 ёшга етмаган шахслар учун белгиланган санитария-эпидемиологик қоидалар ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари талабларига риоя қилиниши шарт. Мазкур муассасаларга қабул қилинган болалар ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхатида (рўйхат рақами 1990, 2009 йил 29 июль) назарда тутилган ишларга жалб қилинмаслиги лозим.

56. Меҳнат ва дам олдириш оромгоҳларининг кун тартибини ишлаб чиқишда болаларнинг меҳнат фаолиятини жисмоний соғломлаштириш ва маданий-оммавий тадбирлар билан уйғунлаштирилган ҳолда олиб бориш назарда тутилади.

#### **5-боб. Дам олдириш ва соғломлаштириш жараёни**

57. Оромгоҳда болаларнинг дам олдирилиши ва соғломлаштирилиши ўқув ва маданий-маърифий дастурлар ҳамда соғломлаштириш тадбирлари асосида ташкил этилади.

58. Оромгоҳнинг ҳар бир тўғарагида камида 10 нафар болалардан иборат гуруҳлар ташкил этилади.

59. Оромгоҳда барча йўналишдаги тўгарак машғулоти учун ҳафтада 4 академик соат, сайёҳлик-ўлкашунослик йўналишидаги тўгараклар учун ҳафтада 6 академик соат ажратилади.

60. Тўгаракларнинг фаолияти оромгоҳ раҳбари томонидан тасдиқланадиган ўқув режа ҳамда болаларнинг ёши, психофизиологик хусусиятлари ва санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари инobatга олинган ҳолда тузилган машғулотлар жадвали асосида бепул амалга оширилади.

### **6-боб. Дам олдириш ва соғломлаштириш жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

61. Болалар, ота-оналар ва педагог ходимлар дам олдириш ва соғломлаштириш жараёни иштирокчилари ҳисобланади.

62. Болалар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

оромгоҳнинг ички тартиб-қоидалари билан танишиш;  
оромгоҳда қизиқишига кўра тўгарак турини танлаш ва унда бепул таълим олиш;

оромгоҳнинг тиббий ва қўшимча таълим хизматларидан фойдаланиш;

оромгоҳнинг моддий-техник базасидан самарали фойдаланиш;

оромгоҳдаги шароит, овқатланиш, тиббий хизмат ва ўқув жараёни масалаларида юзага келган муаммолар бўйича оромгоҳ раҳбариятига муурожаат қилиш;

оромгоҳ фаолиятини такомиллаштиришга оид таклифлар бериш.

Болалар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланишлари мумкин.

63. Болалар қуйидагиларга мажбур:

оромгоҳ ички тартиб-қоидаларига риоя қилиш;

оромгоҳ ҳудудини раҳбарият рухсатисиз ва педагоглар кузатувисиз тарк этмаслик;

санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига амал қилиш;

оромгоҳ ходимларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

ўзи ва атрофидагиларнинг соғлиғига зарар етказадиган ҳаракатлар қилмаслик;

оромгоҳнинг мол-мулкини асраб-авайлаш ва унга зиён етказмаслик;

атроф-муҳит ва ўсимликларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш.

Болаларга қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

64. Ота-оналар куйидаги ҳуқуқларга эга:  
оромгоҳ ходимларидан фарзандига ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва сифатли хизмат кўрсатилишини талаб қилиш;  
оромгоҳнинг ички тартиб-қоидалари, кун тартиби ва таомнома билан танишиш;

фарзандини оромгоҳдан ўз хоҳишига кўра муддатидан олдин олиб кетиш;

оромгоҳ фаолиятини такомиллаштириш юзасидан оромгоҳ раҳбариятига таклиф бериш.

Ота-оналар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланишлари мумкин.

65. Ота-оналар куйидагиларга мажбур:

дам олдириш ва соғломлаштириш даврида фарзандини зарур кийим-бош ва шахсий гигиена воситалари билан таъминлаш;  
фарзандини оромгоҳга ўз вақтида олиб келиш ва олиб кетиш;  
тўловни ўз вақтида амалга ошириш.

Ота-оналарга қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

66. Оромгоҳнинг педагог ходимлари куйидаги ҳуқуқларга эга:

оромгоҳнинг ички тартиб-қоидалари билан танишиш;

ўз касбий шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш;

оромгоҳни бошқаришда иштирок этиш;

оромгоҳ раҳбариятига оромгоҳ фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш.

Оромгоҳнинг педагог ходимлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланишлари мумкин.

67. Оромгоҳнинг педагог ходимлари куйидагиларга мажбур:

ушбу Низом талабларига ва оромгоҳнинг ички тартиб-қоидаларига риоя қилиш;

касбига хос бўлган хулқ-атворда бўлиш;

тўгарак машғулотларини тасдиқланган ўқув режа асосида ташкил этиш;

болаларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларни Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;  
оромгоҳда бўлган даврида боланинг ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш.

Оромгоҳнинг педагог ходимларига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

68. Оромгоҳ раҳбари куйидаги ҳуқуқларга эга:

оромгоҳ ходимлари ва дам олувчилардан оромгоҳнинг ички тартиб-қоидаларига риоя этилишини талаб қилиш;

ўқув ва маданий-маърифий дастурлар, спорт тadbирлари ҳамда тўғарак машғулотларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

болалар томонидан оромгоҳнинг ички тартиб-қоидаларига риоя қилинмаган тақдирда, уларнинг ота-оналарига хабар бериш;

оромгоҳнинг ички тартиб-қоидаларини қўпол равишда бузган болаларни оромгоҳдан четлаштириш ва кейинги сменаларга қабул қилмаслик.

Оромгоҳ раҳбари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланишлари мумкин.

69. Оромгоҳ раҳбари қуйидагиларга мажбур:

ушбу Низом талабларига риоя қилиш;

оромгоҳ фаолиятини ташкил этишда санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя қилиш;

болаларнинг дам олдирилиши ва соғломлаштирилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

тўғаракларни болаларнинг ёши, психофизиологик ҳолати ва қизиқишларини инобатга олган ҳолда ташкил этиш;

моддий-техник базадан самарали фойдаланилиши ва асраб-авайланишини таъминлаш;

дам олдириш ва соғломлаштириш жараёни иштирокчиларига бепул тиббий хизмат кўрсатиш ва уларни дори-дармон билан таъминлаш;

боланинг саломатлиги жиддий ёмонлашган ҳолларда унинг ота-онасини ҳамда оромгоҳга бириктирилган тиббиёт муассасасини хабардор қилиш.

Оромгоҳ раҳбарига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

## **7-боб. Оромгоҳни молиялаштириш**

### **1-§. Умумий қоидалар**

70. Болаларни оромгоҳларда дам олдириш ва соғломлаштириш учун зарур бўлган маблағлар миқдори дам олдирилиши режалаштирилган болалар сонидан келиб чиқиб аниқланади.

71. Оромгоҳнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **2-§. Стационар оромгоҳни молиялаштириш**

72. Стационар оромгоҳларда болаларни сақлаш харажатлари қуйидаги манбалар ҳисобидан қопланади:

ижтимоий суғурта маблағлари;  
касаба уюшмаси бюджети маблағлари;  
оромгоҳга бориш учун бериладиган йўлланмаларни сотишдан тушган маблағлар;

Балансда сақловчининг маблағлари;

ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар.

73. Стационар турдаги оромгоҳни доимий сақлаш бўйича харажатлар Балансда сақловчи томонидан амалга оширилади.

Агар оромгоҳ бир нечта Балансда сақловчи ва касаба уюшмаларининг биргаликдаги маблағлари асосида ташкил этилган бўлса, уни моддий таъминлаш бўйича харажатлар оромгоҳни ташкил этишда иштирок этган ташкилотлар томонидан оромгоҳга соғломлаштириш учун жўнатилган болаларнинг сонига мутаносиб равишда қопланади.

74. Балансда сақловчи стационар оромгоҳнинг болаларни қабул қилиш қуввати доирасида оромгоҳга ўз ҳисобидан болалар учун қўшимча ўринлар ташкил қилиши мумкин. Бунда оромгоҳдаги болалар сонининг ортиши ва уларнинг таъминоти билан боғлиқ харажатлар, шу жумладан, болаларнинг овқатланиши, даволаниши, оромгоҳ ходимларининг иш ҳақи учун қўшимча маблағлар ва бошқа харажатлар Балансда сақловчи томонидан қопланади.

75. Стационар оромгоҳнинг молиявий-хўжалик фаолияти мунтазам равишда, лекин дам олиш мавсуми давомида камида бир марта Балансда сақловчи ва касаба уюшмаси қўмитаси томонидан текширилади.

76. Дам олиш мавсуми тугагач, стационар оромгоҳнинг молиявий-хўжалик фаолияти Балансда сақловчи ва касаба уюшмаси қўмитаси томонидан тафтиш қилинади ҳамда оромгоҳнинг мол-мулки тўлиқ хатловдан ўтказилади.

### **3-§. Кундузги оромгоҳни молиялаштириш**

77. Кундузги оромгоҳларда болаларни сақлаш харажатлари қуйидаги манбалар ҳисобидан қопланади.

ота-оналар тўлови;

ҳомийлик хайриялари;

Балансда сақловчиларнинг маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар.

78. Кундузги оромгоҳни моддий таъминлаш, болаларни соғломлаштириш, тарбиявий ишларни ўтказиш, овқатлантириш учун зарур бўлган харажатлар оромгоҳ раҳбари томонидан тасдиқланадиган харажатлар сметасига мувофиқ амалга оширилади.

79. Кундузги оромгоҳда болаларни узлуксиз равишда сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун зарур бўлган маблағлар болаларнинг оромгоҳда бўлганлиги учун ота-оналар тўлови ҳамда оромгоҳлар фаолият самарадорлигини оширишга доир ташкилий масалаларни ўз вақтида ҳал этиш, хавфсизлик ва тиббий хизмат, шунингдек болаларнинг мазмунли дам олишини таъминлаш бўйича ҳудудий мувофиқлаштирувчи гуруҳ (бундан буён матнда Ҳудудий мувофиқлаштирувчи гуруҳ деб юритилади) томонидан аниқлаштирилмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун зарур бўлган маблағлар Ҳудудий мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг ташаббуси билан улар томонидан аниқлаштирилган молиявий манбалар ҳисобидан 100 фоизгача қопланиши мумкин.

80. Кундузги оромгоҳда болаларни овқатлантириш оромгоҳ ташкил этиладиган муассаса ошхонасида ижара шартномаси асосида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъекти ва оромгоҳ ташкил этиладиган муассаса ўртасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги 132-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ шартнома асосида амалга оширилади.

81. Ота-оналар томонидан бир нафар бола учун амалга ошириладиган тўлов миқдори оромгоҳдаги болаларни овқатлантириш учун сарфланадиган маблағларнинг бошқа манбалар ҳисобидан қопланмайдиган қисмини режадаги болалар сонига бўлиш орқали Ҳудудий мувофиқлаштирувчи гуруҳ томонидан белгиланади.

82. Болаларни овқатлантириш учун сарфланадиган маблағлар миқдори санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларида белгиланган бир кунлик овқатланиш нормативи ҳамда оромгоҳда бўлиш муддатидан келиб чиқиб, кундузги оромгоҳ ташкил этиладиган муассаса ошхонасида ижара шартномаси асосида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектининг харажатлари инobatта олинган ҳолда белгиланади.

83. Ота-оналар тўлови маблағлари тўлалигича кундузги оромгоҳда болаларни овқатлантириш харажатларига йўналтирилади.

84. Кундузги оромгоҳда болаларни дам олдириш жараёнига оромгоҳ ташкил этилган муассасада фаолият кўрсатаётган педагог ва бошқа ходимлар билан бирга ихтиёрийлик асосида бошқа таълим муассасаларининг ходимлари ҳам жалб этилади. Мазкур ходимларнинг асосий иш жойи бўйича иш ҳақлари сақлаб қолинади ҳамда уларга оромгоҳдаги фаолияти учун кўшимча ҳақ тўланмайди.



85. Ота-оналар тўловини тўлаш ва харажатларни амалга ошириш учун кундузги оромгоҳ ташкил этиладиган муассасага хизмат кўрсатувчи тегишли ғазначилик бўлинмасида шахсий ғазна ҳисоб варағи очилади.

#### **8-боб. Яқуний қоидалар**

86. Оромгоҳни қайта ташкил этиш ёки тугатиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

87. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

<b>Молия вазири</b> <i>2017 йил 14 февраль,</i>	<b>Б. ХОДЖАЕВ</b>
<b>Меҳнат вазири</b> <i>2017 йил 14 февраль,</i>	<b>А. АБДУХАКИМОВ</b>
<b>Ички ишлар вазири</b> <i>2017 йил 14 февраль,</i>	<b>А. АЗИЗОВ</b>
<b>Маданият ва спорт ишлари вазири</b> <i>2017 йил 14 февраль,</i>	<b>Б. АХМЕДОВ</b>
<b>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директори</b> <i>2017 йил 14 февраль,</i>	<b>У. САЛИМОВ</b>
<b>Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси</b> <i>2017 йил 14 февраль,</i>	<b>Қ. РАФИКОВ</b>
<b>Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раиси</b> <i>2017 йил 14 февраль,</i>	<b>С. ТУРДИЕВ</b>
<b>Савдо-саноат палатаси раиси</b> <i>2017 йил 14 февраль,</i>	<b>А. ШАЙХОВ</b>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ**

**Қ А Р О Р И**

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИ  
ДАРСЛИКЛАР ВА ЎҚУВ-МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМАЛАР БИЛАН  
ТАЪМИНЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА  
ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2017 й., 17-сон, 308-модда)*

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017  
йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2577-2**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги 275-сон “Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2014 йил 20 мартдаги 14, 25, 15-ҚҚ ва 08-05-04-сон қарори (рўйхат рақами 2577, 2014 йил 28 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 18-сон, 202-модда) билан тасдиқланган Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тар-

тиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Халқ таълими вазири**

*Тошкент ш.,  
2017 йил 11 апрель,  
3-мҳ-сон*

**У. Иноятов**

**Молия вазири**

*Тошкент ш.,  
2017 йил 11 апрель,  
38-сон*

**Б. ХОДЖАЕВ**

**Маданият вазири**

*Тошкент ш.,  
2017 йил 11 апрель,  
1-сон*

**М. МУРАТОВ**

**Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги**

**Бош директори ўринбосари**

*Тошкент ш.,  
2017 йил 11 апрель,  
20-мҳ-сон*

**К. МАНСУРОВ**

**Жисмоний тарбия ва спорт**

**давлат қўмитаси раиси**

*Тошкент ш.,  
2017 йил 11 апрель,  
1-мҳ-сон*

**Р. КУРБАНОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги,  
Молия вазирлиги, Маданият вазирлиги,  
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда  
Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия  
ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 11 апрелдаги 3-мх,  
38, 1, 20-мх ва 1-мх-сон қарорига ИЛОВА*

**Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик  
қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“дарслик – давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқув дастури асосида дидактик, методик, педагогик-психологик, эстетик ва гигиеник талабларга жавоб берадиган, ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, унинг асослари мукамал ўзлаштирилишига қаратилган, ўқув фанининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда таълим олувчиларнинг ёши ва психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиладиган, назарий маълумотлардан ташқари амалий-тажриба ва синов машқларини қамраб олган китоб шаклидаги ўқув наشري”;

тўртинчи хатбошидаги “Халқ таълими вазирлиги” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (бундан буён матнда Халқ таълими вазирлиги деб юритилади)” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 6 ва 7-иловалардаги “ХХТУТ” деган қисқартмалар “ИФУТ” деган қисқартмалар билан алмаштирилсин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

2017 йил 5 апрель

105-сонли

### Б У Й Р У Ғ И

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА  
“ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ” МАВЗУСИДА ИЖОДИЙ ИШЛАР  
ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ёшлар сиёсати, таълим, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментининг 2017 йил 4 февралдаги 12-сонли мажлиси баёни (06.02.2017 й. №08/1-70) билан тасдиқланган “2017 йилда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, конфессиялар ва миллатлараро то-тувликни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар Дастури”нинг 36-банди ҳамда вазирликнинг 2017 йилга мўлжалланган иш режаси ижросини таъминлаш мақсадида

### БУЮРАМАН:

1. Халқ таълими тизимидаги умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида жорий йилнинг апрель-май ойларида “Жаҳолатга қарши маърифат” мавзусида ижодий ишлар (шеър, иншо ва расмлар) танлови (бундан буён матнда танлов деб юритилади) ўтказилсин.

2. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси (бундан буён матнда республика ташкилий қўмитаси деб юритилади) таркиби 1-иловага, танловнинг республика босқичини ўтказиш бўйича сарф-харажатлар сметаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Танлов Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири-нинг 2015 йил 11 апрелдаги 110-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Жаҳолатга қарши маърифат” мавзусида ижодий ишлар танловининг низоми” (бундан буён матнда Низом деб юритилади) асосида ўтказилсин.

4. Республика ташкилий қўмитаси (Х.Даминов)га:  
танловни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш;

танлов иштирокчиларининг сараланган ижодий ишлари кўргазмасини ташкил этиш;

энг сара ижодий ишларни тўплам шаклида нашр этиш;

танловнинг республика босқичи ҳакамлар ҳайъати таркибига “Камолот” ЁИХ, Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Тошкент ислом университети, Республика маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази вакилларини келишув асосида жалб қилиш;

танловнинг жойларда Низом асосида ўтказилишига амалий-услубий ёрдам кўрсатиш вазифалари топширилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарларига:

танловни Низомга мувофиқ ва ўқувчиларни кенг жалб қилган ҳолда юқори савияда ташкил этиш;

ҳакамлар ҳайъати таркибига ҳамкор ташкилотлар вакилларини жалб қилиш;

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотлари етакчилари кўмагида “Камолот” ва “Камалак” сардорларининг танловда фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш;

худудий босқич яқунлари бўйича ҳужжатларни ўрнатилган тартибда расмийлаштириш ва 2017 йил 15 майга қадар Республика ташкилий қўмитасига тақдим этиш;

танлов ғолибларини моддий ва маънавий рағбатлантириш чораларини кўриш ва уларни умумий ўрта таълим мактабларида “эрталабки сафланиш”ларда эълон қилиш вазифалари юклатилсин.

6. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Р.Зулфиқоров) танловнинг республика босқичини ўтказиш бўйича сарф-харажатлар сметасига мувофиқ маблағларни “Баркамол авлод” республика болалар бадиий ижодиёт марказининг шахсий ғазна ҳисоб варағига ўтказиб берсин.

7. “Баркамол авлод” республика болалар бадиий ижодиёт маркази (Д.Эрматов)га:

танловнинг республика босқичини 2017 йил 1 июнга қадар ўтказиш бўйича ташкилий ишларни амалга ошириш;

жорий йил июнь ойида танловнинг республика босқичи иштирокчиларининг энг сара ижодий ишларини тўплам шаклида нашр эттириш;

харажатлар сметасига мувофиқ танлов иштирокчиларини рағбатлантириш учун совғалар харид қилиш;

тадбирлар ўтказилганидан сўнг ўн кун муддатда вазирликнинг Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармасига маблағларнинг сарфланиши бўйича ҳисобот топшириш вазифалари юклатилсин.

8. Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев) ҳамда “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари (А.Раҳимов)га танловнинг ўтказилиш жараёни ҳамда ўқувчиларнинг энг сара ижодий ишларини оммавий ахборот воситаларида ва вазирликнинг расмий веб-сайтида кенг ёритиш тавсия этилсин.

9. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

*Ушбу буйруқнинг тўлиқ матни билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг расмий веб-сайти [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz) ва [www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz) ахборот порталида танишишингиз мумкин.*

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XALQ TAЪЛИМИ  
BAZIRINING**

2017 йил 1 май

140-сонли

**Б У Й Р У Ф И****ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI BAZIRLAR MAЪKAMASINING  
2017 ЙИЛ 27 АПРЕЛДАГИ 246-СОНЛИ ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ  
ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 2017 йил 27 апрелдаги 246-сонли “Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорини янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 2017 йил 27 апрелдаги 246-сонли “Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорини янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарор билан куйидагилар:

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг ягона реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

Ташкилотлардаги меҳнатни муҳофаза қилиш тизимида аудит ўтказиш тартиби 2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш тартиби тўғрисидаги Низом 3-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

Меҳнат шароитларини давлат экспертизасидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом 4-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги инobatга олинсин.

3. Кадрлар бошқармаси (Б.Шамсиев)га, Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш Бош бошқармаси (М.Юлдашев), Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, давлат педагогика институтлари ҳамда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг ма-



лакасани ошириш институтлари, вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари ва муассасалари раҳбарларига:

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳудудий дастурларни тасдиқлаш ва амалга ошириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари тегишли ҳудудий бўлинмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб бориш каби тадбирларни амалга оширишни таъминлаш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

4. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир**

**У. Иноятов**

*Ушбу буйруқнинг тўлиқ матни билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг расмий веб-сайти [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz) ва [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) ахборот порталида танишишингиз мумкин.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 3 май

142-сонли

**Б У Й Р У Қ И****2016 ЙИЛДА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ УЧУН РЕЖА-  
ЛАШТИРИЛГАН ЖИҲОЗЛАРНИНГ ЕТКАЗИБ БЕРИЛИШИ ВА  
ЎРНАТИЛИШINI ЎРГАНИШ ТЎҒРИСИДА**

2016 йил Инвестиция дастури доирасида янги қурилган, реконструкция қилинган ва мукаммал таъмирланган умумтаълим мактаблари учун режалаштирилган жиҳозларнинг етказиб берилганлиги ва ўрнатилганлиги ҳолатини ўрганиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. “Ўқув таълим-таъминот” Давлат унитар корхонаси ва унинг ҳудудий филиаллари раҳбарларига 2016 йилда Инвестиция дастури доирасида янги қурилган, реконструкция қилинган ва мукаммал таъмирланган умумтаълим мактабларига етказиб ва ўрнатиб берилган жиҳозлар бўйича **20 (йигирма) кун** муддатда ҳар бир муассаса кесимида иловадаги намунавий жадвалларни (фотоальбомларни илова қилган ҳолда) расмийлаштириб, вазирликнинг Таълим муассасаларининг моддий-техника таъминотини ташкил этиш бошқармасига жорий йилнинг 31 май кунига қадар тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига “Ўқув таълим-таъминот” Давлат унитар корхонасининг ҳудудий филиаллари томонидан тайёрланган жадвалларни (фотоальбомлар билан биргалиқда) ҳаққонийлигини сайланма тарзда жойида ўрганиб чиқиб, вазирликка тегишли маълумотларни тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

3. Таълим муассасаларининг моддий-техника таъминотини ташкил этиш бошқармаси (Ф.Узаков)га ҳудудий халқ таълими бошқармалари ҳамда “Ўқув таълим-таъминот” давлат унитар корхонасининг ҳудудий филиаллари томонидан тақдим этилган жад-

валларни (фотоальбомлари билан биргаликда) таҳлил қилиб, вазирлик раҳбариятига маълумот киритиш вазифаси юклатилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари ҳамда “Ўқув таълим-таъминот” Давлат унитар корхонасининг ҳудудий филиаллари раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар ва фотоальбомларнинг ҳаққонийлигига шахсан масъулдирлар.

5. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 3 май

145-сонли

**Б У Й Р У Қ И****ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР  
ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги 250-сон "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарорига мувофиқ

**БУЮРАМАН:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги 250-сон "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарори (бундан буён матнда қарор деб юригилади) раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қарорга мувофиқ қуйидагилар:

республика, худудий (вилоят) ва туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича лавозим разрядлари 1, 1а, 1б-иловаларга мувофиқ;

давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг мартаба даражаларига эга бўлган ходимларига узоқ муддат хизмат қилганлиги учун бериладиган ҳар ойлик устама ҳақ миқдорлари (лавозим маошига нисбатан фоизларда) 2-иловага мувофиқ;

давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари ходимларининг лавозим маошларига мартаба даражалари учун қўшиладиган ҳар ойлик устамалар миқдорлари 3-иловага мувофиқ;

давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизматларни ташкил этиш шакллари 4-иловага мувофиқ;

давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизматлар ташкил этишнинг минимал нормативлари ва мезонлари 5-иловага мувофиқ;

судгача ва суд тартибида давлат органи ва ташкилоти фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ундирилган маблағлар ҳисобидан юридик хизмат ходимларини мукофотлаш тартиби тўғрисидаги низо 6-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги 250-сон “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарорининг ижроси юзасидан чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вазирнинг биринчи ўринбосари (Б.Данияров), бош юрисконсулт (С.Миразимов), Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Н.Муротов), Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, Жиззах, Қўқон, Навоий ва Нукус давлат педагогика институтлари ректорлари, А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти ректори, Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази директори, ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари ректорлари, республика бўйсунувидаги ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари мудирларига:

давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизматлар ташкил этишнинг минимал нормативлари ва мезонларидан келиб чиқиб, юридик хизматларнинг штат бирликларини қайта кўриб чиқиш ва юридик хизматнинг ташкил этилиш шаклини ўзгартириш чораларини кўриш;

юридик хизматнинг штат бирликларини қайта кўриб чиқиш натижасида қўшимча штат бирликлари жорий этилиши зарур бўлган ҳолларда, харажатлар сметаси ва штатлар жадвалига тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан молия органларига таклифлар киритиш;

юридик хизмат ходимларининг лавозим разрядларини тегишли равишда республика (вазирлик), ҳудудий (Қорақалпоғистон Рес-

публикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар) ва туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича лавозим разрядларига мувофиқлаштириш ёки меҳнатга ҳақ тўлашни қарорда белгиланган разрядлардан юқорироқ разрядлар бўйича амалга ошириш;

юридик хизмат ходимлари мартаба даражаларига эга бўлган тақдирда, фаолият юритган даврига мутаносиб равишда ҳар ойлик устамалар ва қўшимча ҳақ тўлаб боришни жорий этиш;

юридик хизмат ходимларининг ҳар чорақда судгача ва суд тартибида давлат органи ва ташкилоти фойдасига ҳал қилинган низо-лар юзасидан ундирилган маблағнинг 5 фоизи, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаридан кўп бўлмаган миқдорда мукофотлани-шини таъминлаш;

юридик хизматлар фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳуж-жатлари талабларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, юридик хизматлар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таъсирчан чораларни амалга ошириш вазифалари юклатилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, ҳар йили тегишли ташкилот ва му-ассасанинг фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъ-минлаш бўйича ишлар тўғрисидаги юридик хизматнинг ҳисоботини эшитиш бўйича шахсий жавобгарлик мазкур ташкилот ёки муасса-санинг раҳбарига юклатилади.

6. Назорат ва таҳлил бошқармаси (К.Инаков) бир кун муддат-да Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги 250-сон “Ўзбе-кистон Республикаси Президентининг “Юридик хизмат фаолият-ини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори ва мазкур буйруқни халқ таълими тизимидаги барча манфаатдор шахсларга етказилишини таъмин-ласин.

8. Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев)га мазкур буйруқни вазир-ликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш ҳамда вазирлик муас-сислигидаги газета ва журналларда чоп этиш тавсия этилсин.

Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир**

**У. Иноятов**

Халқ таълими вазирлигине  
2017 йил 3 майдаги  
145-сонли буйруғига  
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги 250-сон “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” ги қарорининг ижроси юзасидан чора-тадбирлар режаси

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1.	Юридик хизмат ходимларининг лавозим разрядларини давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходимлари меҳнатига ҳақ тулаш бўйича лавозим разрядларига мувофиқлаштириш	Штаблар жадвалига ўзгартириш киритиш	2017 йил май	Б.Данияров Н.Муротов Б.Шамсиев С.Миразимов Юридик хизмат штат бирликлари мавжуд бўлган ташкилот ва муассасалар раҳбарлари
2.	Юридик хизмат ходимларининг лавозим маошларига мартаба даражалари учун ҳар ойлик устамалар тулаш ишларини ташкил қилиш	Буйруқ қабул қилиш	2017 йил июнь	Б.Данияров С.Миразимов Б.Шамсиев Юридик хизмат штат бирликлари мавжуд бўлган ташкилот ва муассасалар раҳбарлари

3.	Юридик хизмат ходимларининг лавозим маошларига мертаба даражалари учун кўшиладиган кўшимча туловларни тўлаб боришни жорий этиш	Буйруқ қабул қилиш	2017 йил июнь	Б.Данияров С.Миразимов Н.Муротов Юридик хизмат штат бирликлари мавжуд бўлган ташкилот ва муассасалар раҳбарлари
4.	Штат бирликлари миқдоридан келиб чиқиб, юридик хизматлар шаклини қайта кўриб чиқиш	Ички идоравий ҳужжат қабул қилиш	2017 йил июнь	Б.Данияров Б.Шамсиев С.Миразимов Н.Муротов Юридик хизмат штат бирликлари мавжуд бўлган ташкилот ва муассасалар раҳбарлари
5.	Юридик хизматларнинг минимал штат бирликларини давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизматлар ташкил этишнинг минимал нормативлари ва мезонларидан келиб чиқиб тахлил қилиш, таклифлар тайёрлаш, штат бирликлари жорий этиш	Молия ва адлия органлари билан ҳамкорлик қилиш	2017 йил июнь	Б.Данияров С.Миразимов Б.Шамсиев Н.Муротов Халқ таълими тизимидаги барча ташкилот ва муассасалар раҳбарлари
6.	Судга ва суд тартибда давлат органи ва ташкилоти фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ундирилган маблағлар ҳисобидан юридик хизмат ходимларини мукофотлаб бориш	Буйруқ қабул қилиш	Домий равишда	Б.Данияров Б.Шамсиев Н.Муротов С.Миразимов Юридик хизмат штат бирликлари мавжуд бўлган ташкилот ва муассасалар раҳбарлари



7.	Юридик хизматлардаги вакант штат бирликларини малакали кадрлар билан тўлдириш чораларини кўриш	Вакант штат бирликларини тўлдириш	2017 йил июнь	Б.Данияров Б.Шамсиев С.Миразимов Халқ таълими тизимидagi берча ташкилот ва муассасалар раҳбарлари
8.	Юридик хизмат ходимларининг иш жойларини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўриш	Юридик хизмат ходимига зарур шарт-шароит яратиб бериш	2017 йил июнь	Б.Данияров Б.Шамсиев С.Миразимов Юридик хизмат штат бирликлари мавжуд бўлган ташкилот ва муассасалар раҳбарлари
9.	Сабабсиз равишда малака оширмасдан келаётган ёки аттестациядан ўтганлигига ўч йил тўлаётган юридик хизмат ходимларини малакасини ошириш ва адлия органларида аттестациядан ўтказиш чораларини кўриш	Юридик хизмат ходимининг малака ошириши ва аттестациядан ўтшини таъминлаш	2017 йил июнь	Б.Данияров С.Миразимов Б.Шамсиев Юридик хизмат штат бирликлари мавжуд бўлган ташкилот ва муассасалар раҳбарлари
10.	Юридик хизматларнинг давлат органлари ва ташкилотлар фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийлик таъминланшини аҳоли тўғрисидаги ҳисоботини эшитиш ҳамда ҳисобот натижасига кўра чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш	Мажлис баённомаси расмийлаштириш	Ҳар йили январь ойида	Б.Данияров С.Миразимов Юридик хизмат штат бирликлари мавжуд бўлган ташкилот ва муассасалар раҳбарлари
11.	Юридик хизматлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш ва тегишли адлия органларига тақдим этиш	Таклифлар тайёрлаш ва тақдим этиш	Ҳар чорақда	Б.Данияров С.Миразимов Халқ таълими тизимидagi берча ташкилот ва муассасалар раҳбарлари

12.	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги 250-сон "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Юридик хизмат фаолияти тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарорининг мазмун-моҳиятини давлат органилари ва ташкилотлари раҳбарлари, молچия ва кадрлар бўйича масъул ходимлари, юридик хизматлар ходимлари ўртасида тарғиб қилиш</p>	<p>Адлия органлари томонидан ўтказиладиган семинарларда иштирок этиш</p>	<p>График асосида</p>	<p>Б.Данияров С.Миразимов Халқ таълими тизимидagi барча ташкилот ва муассасалар раҳбарлари</p>
-----	---	--	-----------------------	--

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 4 май

148-сонли

**Б У Й Р У Қ И**

**БЎШ ИШ ЖОЙЛАРИ (ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАР) МАВЖУДЛИГИ  
ТЎҒРИСИДА ВА МЎЛЖАЛЛАНАЁТГАН ХОДИМЛАР ИШДАН ОЗОД  
ЭТИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ЭЛЕКТРОН  
ШАКЛДА ТАҚДИМ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 1999 йил 22 декабрда 858-сон билан давлат рўйхатидан ўтган Меҳнат органларига бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) мавжудлиги тўғрисида ва мўлжалланаётган ходимлар ишдан озод этилиши тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомга мувофиқ

**БУЮРАМАН:**

1. Кадрлар бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, давлат педагогика институтлари ҳамда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари, вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари ва муассасалари раҳбарларига:

2017 йил 10 майдан бошлаб марказий аппарат ва тизимдаги барча республика, вилоят, туман (шаҳар) даражасидаги ташкилот ва муассасалар томонидан меҳнат органларига бўш иш жойлари мавжудлиги ва мўлжалланаётган ходимлар ишдан озод этилиши тўғрисидаги ҳар ой якунига кўра тақдим этилиши лозим бўлган маълумотларни электрон шаклда тақдим этиш йўлга қўйилсин;

бўш иш жойлари мавжудлиги ва мўлжалланаётган ходимлар ишдан озод этилиши тўғрисидаги маълумотларни ҳар ой якунига кўра меҳнат органларига электрон шаклда тақдим этиш жавобгарлиги марказий аппарат бўйича Кадрлар бошқармаси ҳамда жойлардаги кадрлар бўйича инспекторлар зиммасига юклатилсин;

уч кун муддатда маълумотларни меҳнат органларига электрон шаклда тақдим этиш учун масъул этиб белгиланган ходимларга электрон рақамли имзо олинishi ташкил этилсин;

беш кун муддатда марказий аппарат ҳамда тизимдаги барча ташкилотлар ва муассасаларнинг маъсул раҳбарлари “Миллий

кадрлар портали”да электрон рақамли имзо орқали рўйхатдан ўтиши таъминлансин.

3. Меҳнат органларига бўш иш жойлари мавжудлиги ва мўлжалланаётган ходимлар ишдан озод этилиши тўғрисидаги маълумотларни топширишга масъул бўлган ходимлар ҳар ҳисобот ойининг 5-санасига қадар электрон шаклда маълумот тақдим этмаган тақдирда уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 49-моддасига мувофиқ энг кам ойлик иш ҳақининг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима қўлланилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

4. Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев), Кадрлар бошқармаси (Б.Шамсиев), тизимдаги барча ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари билан ҳамкорликда ҳар ой якуни бўйича мавжуд бўш иш жойларини вазирликнинг [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz) расмий веб-сайтида махсус саҳифа очиб жойлаштирилишини таъминласин.

5. Кадрлар бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош қармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, давлат педагогика институтлари ҳамда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари, вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари ва муассасалари раҳбарлари бўш иш жойлари мавжудлиги ва мўлжалланаётган ходимлар ишдан озод этилиши тўғрисидаги маълумотларни ҳар ой якунига кўра меҳнат органларига электрон шаклда тақдим этилиши бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар ҳафта якуни билан ахборот берсин.

6. Назорат ва таҳлил бошқармаси (К.Инаков)га ушбу буйруқни жойларга маълумот ва ижро учун етказиш вазифаси юклатилсин.

7. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир**

**У. Иноятов**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 6 май

151-сонли

**Б У Й Р У Қ И**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
2017 ЙИЛ 5 МАЙДАГИ “2017/2018 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИНING ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА  
ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ПҚ-2955-СОНЛИ ҚАРОРИ  
ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-2955-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда вазирлик тасарруфидаги олий таълим муассасаларига 2017/2018 ўқув йилида талабалар қабулини юқори савияда ўтказиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-2955-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Нукус, Навоий, Жиззах ва Қўқон давлат педагогика институтлари (кейинги ўринларда матнда институтлар деб юритилади) ректорларига:

**беш кун** муддатда олий таълим муассасасининг бакалаврият ва магистратура бўйича давлат гранти ҳамда тўлов-контракт асосида ўринлар квотасини таълим тилларига қараб тақсимлаш бўйича таклифларни ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун вазирликка тақдим этиш;

**бир ҳафта муддатда** 2017/2018 ўқув йили қабулини юқори савияда ўтказиш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва унинг бажарилишини таъминлаш;

институтлар ректорлари раислигида ташкил этиладиган қабул комиссиялари таркибини тажрибали, ҳалол, пок, масъулиятли профессор-ўқитувчи ва ходимлар таркибидан шакллантириш ҳамда ҳар бир аъзосига юклатилган вазифаларни талаб даражасида бажарилишини таъминлаш;

абитуриентлар ҳақида маълумотлар тайёрлаш, ижодий имтихонлар натижаларини расмийлаштириш, жамлаш ва тақдим этишга масъул ва ижрочи ходимларга йўл қўйиладиган хатоликлар оқибати ва жавобгарлик тўғрисида батафсил тушунтириш ва йўриқномалар беришни ташкил этиш;

абитуриентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги “Олий таълим муассасаларининг бакалавриати (магистратураси)га талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги 118-сон қарори билан тасдиқланган Низомларга мувофиқ ҳужжатлар тақдим этилган ҳолларда, олий таълим муассасасининг қабул комиссияси ҳужжатларни қабул қилишни рад этишга ҳақли эмаслиги ва ушбу масъулият қабул комиссияси раиси ҳамда масъул котибининг зиммасига юклатилишини тушунтириш;

қабул комиссиялари фаолият кўрсатадиган жойларни жорий йилнинг 15 июнига қадар қабулга оид меъёрий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, янгиланган касбга йўналтирувчи тарғибот-ташвиқот лавҳалари, фанлар бўйича дастурлар, маслаҳатлар жадвали, эълонлар ва бошқа зарур маълумотлар билан жиҳозлаш;

институтлар ректорлари, проректорлари ва масъул котибларнинг абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарини қабул қилиш, уларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда рўйхатга олиш ва ижроси устидан назорат қилиш, белгиланган муддатларда жавоблар йўллаш жараёнига бўлган масъулиятини кучайтириш;

фуқаролар қабулини жой, кун ва соатлари аниқ кўрсатилган жадвалга қатъий риоя этган ҳолда ўтказишни таъминлаш;

абитуриентлардан ҳужжатларни қабул қилиш даврида (15 июндан 15 июлгача, шу жумладан магистратура мутахассислиги учун 1 июлдан 30 июлгача) абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарига хордиқ чиқаришлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш;

олий таълим муассасалари ҳудуди ва қабул-комиссиялари фаолият кўрсатаётган жойларда ташкил этилган абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари овқатланиш масканларини мунтазам равишда фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳамда уларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш;

таълим муассасалари ҳудуди ва қабул комиссиялари фаолият кўрсатаётган жойларда ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда бегона шахсларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик, зарур ҳолларда ҳуқуқ-тартибот органлари вакилларига хабар бериш чораларини кўриш;

абитуриентларни институтнинг таълим йўналишлари, уларда талабаларнинг билим олиш, яшаш ва бўш вақтларини фойдали ўтказишлари учун яратилган шароитлар билан таништириш

мақсадида таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича кўргазмалар ташкил этиш;

ижодий (касбий) имтиҳонлар ўтказилиши белгиланган фанлар бўйича предмет комиссиялари раисларининг рўйхатини тасдиқлаш учун тайёрлаш;

ижодий (касбий) имтиҳон ўтказиладиган фанлар дастури, аби-туриентлар билимини баҳолаш мезонлари, консультациялар ва имтиҳонлар жадвалини қабул комиссиялари эълонларида ёритиш;

абитуриентлардан қабул қилинган ҳужжатлар ҳақидаги маълумотларни 2017 йил 15 июнидан бошлаб қабул жараёни билан боғлиқ ҳар кунлик тезкор маълумотларни соат 18:00 гача вазирликнинг Педагог кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимига ([dpi@xlv.uz](mailto:dpi@xlv.uz) электрон манзили орқали) тақдим этиш;

тест синовлари ўтказиладиган бино ва аудиторияларни белгиланган талаблар асосида тайёрлаш;

ҳар йили 25 декабрга қадар вазирликнинг Кадрлар бошқармасига таълим тизими бўйича йўналишлар кесимида бакалавр ва магистрларга бўлган эҳтиёж ҳақидаги маълумотларни тақдим қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2955-сон қарорининг 11-бандида назарда тутилган вазифаларни бажарилишини таъминлаш мақсадида ушбу қарордан келиб чиқадиган амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни бир ҳафта муддатда вазирликка тақдим этиш вазифалари топширилсин.

3. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (М.Юлдашев)га:

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда давлат педагогика институтларида бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича давлат гранти ва тўлов-контракт асосида ўринлар квотасини таълим тиллари кесимида тақсимлашга оид таклифларни Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига киритиш;

институтларнинг қабул комиссиялари ишини ташкил этишда услубий ёрдам кўрсатиш;

абитуриентлардан бакалаврият ва магистратурага ҳужжатларни қабул қилиш жараёни мониторингини юритиш;

зарур ҳолатларда вазирлик ходимларини хизмат сафарига жўнатиш ҳақида таклифлар киритиш вазифалари топширилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича ўрнатилган тартибга риоя қилинишига институтлар қабул комиссияларининг раислари шахсан масъулдирлар.

5. Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев)га Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-2955-сонли қарори доирасида амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир**

**У. Иноятов**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 13 май

155-сонли

**Б У Й Р У Қ И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
2017 ЙИЛ 10 МАЙДАГИ 264-СОН ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ  
ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 264-сон “Вазирлар Маҳкамасининг мансабдор шахсларига, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарларига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 264-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарор билан Вазирлар Маҳкамасининг мансабдор шахсларига, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарларига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

3. Халқ таълими вазирининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, давлат педагогика институтлари ҳамда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институт (марказ)лари, вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари ва муассасалари раҳбарлари ижро интизомини мустаҳкамлаш ва ушбу қарор билан тасдиқланган Низом талабларини сўзсиз бажариш юзасидан тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласинлар.

4. Назорат ва таҳлил бошқармаси К.Инаковга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 264-сон қарорини жойларга ижро учун етказиш вазифаси юклатилсин.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир**

**У. ИНОЯТОВ**

## Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

НАЗОРАТ КАРТОЧКАСИ №2а <b>Вазирлар Маҳкамаси топшириғи</b>			
10.05.2017 даги		№ 264	
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига келиб тушган сана 1 1.05.2017 12:00:10			
Руйхатдан ўтказиш рақами 57 ВК к/р			
<b>ҲУЖЖАТНИНГ НОМИ</b> <b>Вазирлар Маҳкамасининг мансабдор шахсларига, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарларига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Инзомни тасдиқлаш ҳақида</b>			
<b>РАҲБАРНИНГ РЕЗОЛЮЦИЯСИ</b> <b>Буйруқ тайёрланиб, белгиланган вазифалар ижроси таъминлансин.</b> <b>Вазир</b> <span style="float: right;"><b>У. Иноятов</b></span>			
<b>Б.Данияров</b>	<b>Масъул ходим</b> Б.Шамсиев муддат: 13.05.2017 К.Инаков муддат: 13.05.2017 Н.Муротов муддат: 13.05.2017 М.Юлдашев муддат: 13.05.2017 А.Носиров муддат: 13.05.2017 Ф.Узаков муддат: 13.05.2017 Ҳ.Даминов муддат: 13.05.2017 И.Акбаров муддат: 13.05.2017 А.Алимов муддат: 13.05.2017 Б.Шайвалиев муддат: 13.05.2017 С.Миразимов муддат: 13.05.2017 Д.Ташпулатов муддат: 13.05.2017	<b>Муддати:</b>	13.05.2017
<b>ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОР</b>			
<b>НАЗОРАТ БАНДЛАРИ</b>			
Назорат учун масъул		Бажарувчи	
Ахборот бериш		Бажариш муддати:	
<b>ҲУЖЖАТЛАРНИ БЕРИШ</b>			
<b>Ҳужжатни олган шахснинг Ф.И.О.</b>	<b>Имзо</b>	<b>Сана</b>	<b>Вақти</b>
1.			
2.			
3.			

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

2017 йил 13 май

157-сонли

### Б У Й Р У Қ И

#### МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИНГ ЁЗГИ ДАМ ОЛИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг ёзги мавсум давомида соғломлаштирилиши ва дам олдирилишини юқори савияда ташкил этиш ҳамда Халқ таълими вазирлигининг 2017 йилга мўлжалланган иш режаси ижросини таъминлаш мақсадида

#### БУЮРАМАН:

1. Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Республика “Меҳрибонлик” уйлари соғломлаштириш оромгоҳида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг ёзги дам олдириш жадвали 1-иловага, ҳудудлардан келадиган тарбияланувчиларни оромгоҳга олиб бориш ва оромгоҳдан Тошкент шаҳрига олиб келиш бўйича сарф-харажатлар сметаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Р.Зулфуқоров)га сарф-харажатлар сметасида белгиланган маблағларни “Баркамол авлод” Республика болалар улкашунослик ва экология маркази шахсий ғазна ҳисоб варағига ўтказилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

3. Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси (Х.Даминов) Республика “Меҳрибонлик” уйлари соғломлаштириш оромгоҳида маънавий-маърифий тадбирлар, спорт секциялари ва қизиқишларига оид тўғараклар ташкил этилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши (Б.Сафаров) Республика “Меҳрибонлик” уйлари соғломлаштириш оромгоҳини етарли миқдорда спорт анжомлари билан таъминлаш, спорт мусобақаларини ўтказиш ва ғолибларни тақдирлаш тавсия этилсин.

5. Республика болалар кутубхонаси (Д.Уролов) ва Республика илмий-педагогика кутубхонаси (Д.Фаниева)га:

оромгоҳ кутубхонасини бадий ва болалар адабиётига оид замонавий китоблар билан вақтинча таъминлаш;

тарбияланувчилар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш ва мутолаа маданиятини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар уюштириш вазифалари топширилсин.

6. “Баркамол авлод” Республика болалар марказлари (Х.Зокирова, Л.Ешмурзаева, Д.Эрматов) Республика “Меҳрибонлик” уйлари оромгоҳида тарбияланувчиларнинг қизиқишларига оид тўғаракларни ташкил этсин.

7. Республика “Меҳрибонлик” уйлари соғломлаштириш оромгоҳи (О.Турдиев)га:

оромгоҳни ёзги мавсумга талаб даражасида тайёрлаш;

мавсумни мазмунли ўтказиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

оромгоҳ ётоқхоналари, ошхона, кутубхона ва спорт майдонларини зарурий жиҳозлар билан таъминлаш;

оромгоҳ ва оромгоҳ ташқарисида ўтказилаётган тадбирларда болалар ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш;

оромгоҳ тарбияланувчиларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш ва санитария меъёрларига амал қилиш;

“Еш қутқарувчилар” гуруҳи тарбияланувчилари учун шарт-шароитлар яратиш;

оромгоҳ ҳар бир навбатининг очилиш ва ёпилиш маросимларини тантанали равишда ташкил этиш;

оромгоҳга тарбиячи ва тарбияланувчиларни рўйхат ва уларнинг саломатлиги ҳақидаги ҳужжатлари асосида ўрнатилган тартибда қабул қилиш вазифалари топширилсин.

8. “Баркамол авлод” Республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази (Л.Ешмурзаева)га:

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини навбатлар оралиғида Тошкент шаҳрига келиб-кетишларида турар жой билан таъминлаш;

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини Республика “Меҳрибонлик” уйлари соғломлаштириш оромгоҳига олиб бориш ва олиб келиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш;

сарф-харажатлар сметасида кўрсатилган маблағларнинг сарфланиши ҳақидаги ҳисоботларни 2017 йил 5 сентябрга қадар Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармасига тақдим этиш вазифалари топширилсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига:

Республика “Меҳрибонлик” уйлари соғломлаштириш оромгоҳига юбориладиган ўз ҳудудларидаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига ташкилотчи, масъулиятли ва тажрибали педагог-тарбиячиларни бириктириш ва уларнинг белгиланган муддатларда хавфсизлигини таъминлаган ҳолда Тошкент шаҳрига олиб келиш ва олиб кетишни 1-иловадаги жадвалга мувофиқ ташкил этиш;

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини жойлардаги ёзги дам олиш оромгоҳларига тўлиқ жалб этилишига алоҳида эътибор қаратиш вазифалари юклатилсин.

10. Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев)га Республика “Меҳрибонлик” уйлари соғломлаштириш оромгоҳида болаларни дам олдириш жараёнини ҳамда жойлардаги тадбирларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш тавсия этилсин.

11. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

*Ушбу буйруқнинг тўлиқ матни билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг расмий веб-сайти [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz) ва [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) ахборот порталида танишишингиз мумкин.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 16 май

165-сонли

**Б У Й Р У Қ И****УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ УЧУН 2017-2018 ЎҚУВ  
ЙИЛИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАЯНЧ ЎҚУВ РЕЖАНИ ТАСДИҚЛАШ  
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли ва 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарорларига мувофиқ

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари учун 2017-2018 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режа ва тушунтириш хати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. 2017-2018 ўқув йилида 1- ва 4- (5-синфда фақат чет тили) ҳамда 6- ва 7-синфларда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарори билан тасдиқланган давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ тузилган ўқув дастурлари амалиётга жорий этилсин.

3. Республика таълим маркази (И.Зокиров)га:

2017 йил 25 июнга қадар ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ тузилган ўқув дастурлари асосида фанлар йўналишида тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда барча таълим муассасаларига етказилишни таъминлаш;

2017 йилнинг 10 июлига қадар вазирликнинг Таълим-тарбия жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими (А.Хундибаев), Ziyonet ресурс марказининг вазирликдаги бўлими (У.Тайлақов) билан ҳамкорликда умумтаълим фанлари бўйича ўқув дастурларини вазирликнинг расмий веб-сайти (uzedu.uz) ва ziyonet.uz ахборот-таълим порталига жойлаштириш;

худудий халқ таълими бошқарув органлари билан ҳамкорликда ўқув режа ва унинг ижроси билан боғлиқ ҳужжатларнинг мазмун-

моҳиятини анъанавий август кенгашларида кенг тушунтириш ишларини ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари мазкур буйруқ билан тасдиқланган таянч ўқув режа ва унга тушунтириш ҳақида белгиланган вазифаларнинг ижросини 2017-2018 ўқув йили давомида умумий ўрта таълим мактабларида бажарилишини таъминласинлар.

5. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (М.Юлдашев) ҳудудий халқ таълими бошқаруви органлари билан биргалиқда умумий ўрта таълим мактаблари томонидан ўқув режанинг бажарилишини назоратга олсин.

6. “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари таҳририяти (А.Раҳимов)га 10 кун муддат ичида мазкур ўқув режа ва унга тушунтириш хатини газеталар саҳифаларида чоп этиш тавсия этилсин.

7. Мазкур буйруқ қабул қилинганлиги муносабати билан вазирликнинг 2016 йил 10 майдаги “Умумий ўрта таълим мактаблари учун 2016-2017 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режани тасдиқлаш тўғрисида” ги 121-сонли буйруғи жорий йилнинг 1 июнидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

Халқ таълими вазирининг  
2017 йил 16 майдаги  
165-сонли буйруғига  
илова

Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим  
мактабларининг 2017-2018 ўқув йили учун таянч ўқув режаси

т/ р	Ўқув фанлари	Синфлар									Хафталик умумий соат
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	
	Давлат ихтиёридаги соатлар	22	24	26	26	30,5	32,5	33,5	34	36	264,5
1	Она тили ва адабиёт	8	8	10	10	9	7	5	5	5	67
2	Ўзбек тили/рус тили		2	2	2	2	2	2	2	2	16
3	Чет тили	2	2	2	2	3	3	3	3	3	23
4	Тарих					2	2	3	3	4	14
5	Давлат ва ҳуқуқ асослари								1	1	2
6	Иқтисодий билим асослари								1	1	2
7	Математика	5	5	5	5	5	5	5	5	5	45
8	Информатика ва ахборот технологиялари					0,5	0,5	0,5	1	2	4,5
9	Физика						2	2	2	2	8
10	Кимё							2	2	2	6
11	Биология					1	2	2	2	2	9
12	Табиёт ва география	1	1	1	1	1	2	2	2	2	13
13	Одобнома	1	1	1	1						4
	Ватан туйғуси					1	1				2
	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари							1	1	1	3
14	Муסיқа маданияти	1	1	1	1	1	1	1			7
15	Тасвирий санъат	1	1	1	1	1	1	1			7
16	Чизмачилик								1	1	2
17	Технология	1	1	1	1	2	2	2	1	1	12



18	Жисмоний тарбия	2	2	2	2	2	2	2	2	18	
	Мақтаб ихтиёридаги соатлар	0,5						0,5	0,5	1	2,5
	Умумий соатлар	22,5	24	26	26	30,5	32,5	34	34,5	37	267
	Амалий меҳнат машғулоти (кун ҳисобида)					6	6	10	16		

### Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактабларининг 2017-2018 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режага ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Мазкур умумий ўрта таълим мактабларининг 2017-2018 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режа ва унга тушунтириш хати Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1875-ПҚ-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сонли, 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли, 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарорлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган Санитария қоидалари ва меъёрлари (СанҚваМ №0102-00) асосида тузилган.

Таянч ўқув режа таркибан давлат ва мактаб компонентларидан иборатдир. Давлат компонентига ажратилган фанлар Давлат таълим стандартлари асосида тузилган дастурларга биноан ўқитилади.

1. Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда рус тили фани, таълим ўзбек тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили фани ҳафтасига икки соат ҳисобида II синфдан бошлаб ўқитилади.

2. Таълим қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида олиб бориладиган мактабларда рус тили фани ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари хоҳишига қараб ўқувчи сони 25 нафаргача бўлган II-IX синфларда она тили ва адабиёт фанидан 1 соат олиниб 2-синфдан бошлаб ўқитилиши мумкин.

ўқувчи сони 25 нафар ва ундан зиёд бўлган ҳолатда II-VI синфларда она тили ва адабиёти фанидан 2 соат олиниб синфни икки

гуруҳга бўлиб ҳафтасига 1 соатдан, VII-IX синфларда она тили ва адабиёти фанидан 1 соат, математика фанидан 1 соат олиниб синфни икки гуруҳга бўлиб ҳафтасига 1 соатдан ўқитилиши мумкин.

3. “Жаҳон тарихи” фани VII ва IX синфларда 1-ярим йилликда ҳафтасига 2 соатдан, 2-ярим йилликда ҳафтасига 1-соатдан;

“Ўзбекистон тарихи” фани VII ва IX синфларда 1-ярим йилликда ҳафтасига 1 соатдан, 2-ярим йилликда ҳафтасига 2 соатдан ўқитилади.

VIII синфда “Жаҳон тарихи” фани 1 соат, “Ўзбекистон тарихи” фани 1 соат ўқитилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 мартдаги 01-07/1-193-сонли топшириғига мувофиқ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 12 апрелдаги 23-к/к-сонли, Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 14 апрелдаги 22-сонли ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2017 йил 12 апрелдаги 25-к/к-сонли қўшма қарорига асосан VIII ва IX синфларда “Дунё динлари тарихи” фани ҳафтасига 1 соатдан ўқитилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги Ф-1322-сонли фармойиши асосида I-IV-синфларда “Конституция алифбоси” курси “Ўқиш”, “Атрофимиздаги олам”, “Табиатшунослик”, “Одобнома” ҳамда тарбиявий соат таркибида 10 соатдан ўқитилади;

V-VI синфларда “Конституция оламига саёҳат” курси “Ватан туйғуси” фанидаги мавжуд такрорланишлар ҳамда такрорлаш ва назорат ишларини ўтказиш учун ажратилган соатлар ҳисобидан алоҳида дастур асосида 17 соатдан ўқитилади;

VII синфда “Конституция оламига саёҳат” курси 17 соат ҳажмида мактаб компоненти ҳисобидан ўқитилади.

Бу машғулотлар дарс жадвалига киритилиши ва V, VI, VII синф журналарида алоҳида саҳифа ажратилиб қайд этилиши лозим.

Мазкур дарсликларнинг мазмунида ўқувчиларнинг ёшига мос равишда “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”, “Болаларнинг меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шонли чоралар тўғрисида”ги 182-конвенция, “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги”ги 138-конвенция тўғрисида тушунчалар берилиши лозим.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги “Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштириш ижтимоий кўмак

ва имтиёзлар бериш тўғрисида”ги 364-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Динлар тарихи” курси бўйича дастлабки умумий тушунчалар:

I-IV синфларда 17 соатдан “Ўқиш”, “Атрофимиздаги олам”, “Табиатшунослик” “Одобнома”, “Психология” фанлари тарбиявий соатлар таркибида;

V синфда 17 соат “Адабиёт”, “Тарих”, “Ватан туйғуси” фанлари ва тарбиявий соатлар таркибида;

VI синфда 17 соат “Адабиёт”, “Тарих”, “Ватан туйғуси” фанлари ва тарбиявий соатлар таркибида;

VII синфда 17 соат “Адабиёт”, “Тарих”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанлари ва тарбиявий соатлар таркибида ўқилади;

6. “Иқтисодий билим асослари” фани:

I-IV синфларда “Иқтисод ва солиқ алифбоси” курсининг ўқув материаллари “Она тили”, “Ўқиш”, “Математика”, “Атрофимиздаги олам”, “Технология” фанлари таркибида 10 соатдан;

V-VII синфларда “Иқтисод ва солиқ сабоқлари” ўқув курслари “Тарих”, “Математика”, “География”, “Ватан туйғуси”, “Технология”, фанлари таркибида синфлар кесимида 17 соатдан;

VIII-IX синфларда эса алоҳида фан сифатида ўқитилади.

7. “Йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш учун:

I синфда мактаб компоненти ҳисобидан ҳафтасига 0,5 соат ажратилиб, жами 16,5 соат ўқитилади, синф журналида алоҳида саҳифада ўқилган мавзулар қайд этилади;

II-VIII синфларда бу машғулотлар тасдиқланган дастур асосида бошланғич синф ўқитувчилари ва синф раҳбарлари томонидан тарбиявий соатлар ҳисобидан 8 соатдан ўқитилади. Мазкур машғулотлар ўқитувчиларнинг педагогик юклагмаси сифатида инобатга олинади. “Йўл ҳаракати қоидалари” машғулотлари II-VIII синфларда мактаб дарс жадвалига киритилади ва синф журналида тарбиявий соатлар учун ажратиладиган саҳифада ўтилган мавзулар қайд этиб борилади.

8. “Ҳаёт хавфсизлиги асослари” машғулотлари I-IV синфларда “Атрофимиздаги олам”, “Одобнома”, “Жисмоний тарбия” фанлари таркибида 17 соатдан;

V-IX синфларда “Физика”, “Кимё”, “Биология”, “География”, “Ватан туйғуси” ва “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”, “Технология” фанлари дастурлари таркибида синфлар кесимида 17 соатдан ўтилади.

9. IX синфда мактаб компоненти ҳисобидан биринчи ярим йилликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25

январдаги “�збекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2744-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 февралдаги 08/1-150-сонли топшириғига мувофиқ хотира дарслари дастур асосида 4 соат;

Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 31 декабрдаги 297-сонли буйруғига асосан Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” асари 12 соат;

иккинчи ярим йилликда эса Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарини узлуксиз таълим тизимида ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги Ф-360 сонли фармойиши асосида асар мазмуни 10 соат;

2014 йил 15-16-май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов сўзлаган “Аждодларимизнинг илмий мероси абадиятга дахлдор маънавий хазина” нутқи 6 соат ўқитилади.

10. “Саломатлик дарслари” ўқув курси умумий ўрта таълим мактабларининг I-IV синфларида “Уқиш”, “Аτροφимиздаги олам”, “Табиатшунослик”, “Одобнома”, “Жисмоний тарбия” ва фанлари таркибида 17 соат ўқитилади;

V-VII ва IX синфларда “Соғлом авлод асослари” ўқув курси “Биология”, “Технология”, “Жисмоний тарбия” фанларига интеграция қилинган ҳолда синфлар кесимида 17 соатдан ўқитилади.

VIII синфда мактаб ихтиёридаги соат ҳисобидан 17 соат ўқитилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2343-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази томонидан ишлаб чиқилган “Тежамкорлик сабоқлари” ўқув-тарбиявий машғулотлари дастури асосида машғулотлар, ўқувчиларнинг психологик, физиологик ва ёш хусусиятларини инobatга олган ҳолда умумий ўқув юкламасининг меъёрларига риоя қилиниб, I-IX синфларда 17 соатдан фанлар бўйича дарс мавзулари замирида тўғарак машғулотларида, тарбиявий соатларда, синфдан ташқари машғулотларда, экскурсияларда сингдириб ўтиш тавсия этилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таъли-

мининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарорига мувофиқ педагог кадрлар салоҳияти ҳамда моддий-техника базаси етарли бўлган умумий ўрта таълим муассасаларида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг рухсати билан умумий ўрта таълим муассасаларининг педагогик кенгашларига дарс жадвалини тузишда таянч ўқув режадаги умумий соатлар ҳажмидан ошмаган ҳолда, маълум бир фанларни чуқурлаштириб ўқитиш мақсадида 15% гача ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилади.

13. Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим муассасалари(синф)да ўқишларни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги “Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 173-сонли ҳамда Халқ таълими вазирлигининг 2014 йил 11 июндаги “Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларининг таянч ўқув режаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 173-сонли буйруғи билан тасдиқланган фанларни чуқур ўқитиш бўйича намунавий ўқув режалари ва Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази томонидан тасдиқланган намунавий ўқув дастурлари асосида амалга оширилади.

Мазкур намунавий ўқув дастурлар асосида фанларни чуқур ўрганиш бўйича муаллифлик ўқув дастурлари Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази билан келишган ҳолда мустақил ишлаб чиқилади, ўрнатилган тартибда тасдиқланади ва амалий жорий этилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли қарорига мувофиқ малакали ўқитувчилар етарли бўлган қуйидаги ҳолларда синфдаги ўқувчиларни икки гуруҳга бўлиб ўқитишга рухсат этилади:

ўқувчилар сони 25 нафар ва ундан зид бўлган умумий ўрта таълим муассасаларининг I-IX синфларида “Чет тили” фани, айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим муассасаларида ихтисослашган фанлар, V-IX синфларда “Информатика ва ахборот технологиялари” ва “Меҳнат таълими” (“Технология”) фани, VIII-IX синфларда “Жисмоний тарбия” фани, таълим тили ўзбек тили бўлмаган умумий ўрта таълим муассасаларининг II-IX синфларида “Ўзбек тили” фани ҳамда таълим тили рус тили бўлмаган умумий ўрта таълим муас-

сасаларининг II-IX синфларида “Рус тили” фани икки гуруҳга бўлиб ўқитилади.

15. Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик Кенгашининг 2003 йил 4 июндаги йиғилиши баёнининг 3-бандини бажариш мақсадида V-IX синфларда қўшимча машғулотлар спорт секциялар тарзида ўтказилади.

16. Таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда мактаб педагогик кенгашининг қарорига биноан айрим фанлар ва курслар ўзбек тили(давлат тили)да ўқитилиши мумкин.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли қарорига мувофиқ умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда қуйидаги муддатларга амал қилинади:

ўқув йилининг давомийлиги – 34 ҳафта (1 синфлар учун 33 ҳафта);

ўқув ҳафтасининг давомийлиги – 6 кун (педагогик кенгашнинг қарорига кўра 1 синфлар учун 5 кун);

дарс машғулотининг давомийлиги – 45 дақиқа;

дарс машғулотлари оралиғидаги танаффуснинг давомийлиги - 5-10 дақиқа (ўқув куни ўртасидаги танаффуснинг давомийлиги - 15-30 дақиқа).

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида байрам (ишланмайдиган) куни деб белгиланган кунларда дарс машғулотлари ўтказилмайди.

Байрам (ишланмайдиган) кунларига тўғри келиб қолган дарс машғулотларининг мавзулари ўқув дастурларини ихчамлаштириш ҳолда кейинги дарс машғулотларида ўтказилади.

Ўқув йили давомидаги таътилларнинг муддатлари қуйидагича белгиланади:

кузги таътил – 4 ноябрдан бошлаб 6 календарь кун;

қишки таътил – 28 декабрдан бошлаб 14 календарь кун;

баҳорги таътил – 21 мартдан бошлаб 7 календарь кун;

ёзги таътил – охири босқичли назорат синови ўтказилган кундан (босқичли назорат ўтказилмайдиган синфлар учун ўқув йили тугаган кундан кейинги кундан) бошлаб 1 сентябргача.

Таътилнинг охири куни байрам (ишланмайдиган) кунга тўғри келиб қолган тақдирда, дарс машғулотлари кейинги иш кунидан бошлаб давом эттирилади.

I синф ўқувчилари учун февраль оyi давомида қўшимча бир ҳафталик таътил белгиланади.

18. Мазкур таянч ўқув режа ва тушунтириш хати асосида ҳар бир умумий ўрта таълим муассасаси 2017-2018 ўқув йилига мўлжалланган ўқув режа ва тушунтириш хатини ишлаб чиқади ва август ойидаги педагогик кенгашнинг қарори билан тасдиқлайди.

19. Ўқув йили якунида V-VIII синф ўқувчиларининг меҳнат кўникмаларини шакллантириш ва касбга йўналтириш мақсадида махсус ишлаб чиқилган, ота-оналар ва маҳалла қўмиталари раислари билан келишилган, мактаб директори томонидан тасдиқланган жадвал асосида мактабда, идора ва корхоналарда, Халқ таълими вазирлигининг 2003 йил 3 ноябрдаги 159-сонли буйруғи билан тасдиқланган Йўриқномага қатъиян риоя қилган ҳолда V-VI синфларда 6 кун 3 соатдан, VII синфда 10 кун 3 соатдан, VIII синфда 16 кун 4 соатдан амалий меҳнат машғулотлари ўтказилади.

**Bosh muharrir:**

Mahmudov Sarvar Yuldashevich

**Bosh muharrir o'rinbosari v.v.b:**

Umaraliyeva Muhayyo Abdugaparovna

**Mas'ul kotib:**

Tashxanov Nurbek Aybekovich

**Badiiy muharrir:**

Mamasoliyev Akbarali Hamzayevich

**Tahrir hay'ati:**

Ulug'bek INOYATOV, Dilshod KENJAYEV, Risboy JO'RAYEV, Hikmatilla RASHIDOV, G'ayrat SHOUMAROV, Sharifjon ERGASHEV, Fayzulla AHMEDOV, Shavkat SHARIPOV, Maqsudjon YULDASHEV, Islom ZOKIROV, Alisher ZOKIROV, Hikmatilla DAMINOV

Tahririyat manzili: 100159. Toshkent shahri, Mustaqillik maydoni, 5-uy.

E-mail: xalq\_talimi@xtv.uz Tel.: (0 371) 239-27-14, Faks: 239-27-11

Jurnal O'zMAA tomonidan 2015-yil 3-iyunda ro'yxatga olinib, 0852-raqamli guvohnoma berilgan.

Buyruq va ularning ilovalari to'liq, o'zgartirishsiz chop etilmoqda. Jurnal tahririyatning kompyuter bo'limida terilib, sahifalandi.

"MAKTUB PRINT" mas'uliyati cheklangan jamiyatida chop etildi.

Toshkent shahri, Shayhontoxur tumani, Navoiy ko'chasi, 30-uy  
Bosishga ruxsat etildi: 27.06.2017-y. Qog'oz bichimi 84x108 1/32.

Ofset bosma usuli. Shartli b.t. 7,0. Adadi 28 484 nusxa.

-buyurtma.

Bahosi kelishilgan narxda.

Ushbu songa mas'ul – Barnoyeva Muzayam Davron qizi